2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 215 (1814), 2026 йил 17 октябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГЕТИКА ЛОЙИҲАЛАРИ — ҲУДУДЛАРДАГИ ЧИНАКАМ ЎЗГАРИШ, АҲОЛИ ҲАЁТИ ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Президентимиз 16 октябрь куни Халқаро конгресс марказида ёқилғи-энергетика тармоғидаги инвесторлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Бугун глобал энергетика тармоғида ресурслар, замонавий технология ва инвестициялар учун шиддатли кураш кузатилмоқда. Ўз навбатида, айни йўналишдаги ҳар бир янги қувват мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини кўрсатувчи ўзига хос “ташриф қоғози”га айланди. Сабаби, барқарор энергия бўлмаган жойда саноат суръати сусаяди, тадбиркорлик орқага кетади ва инвестиция оқими тўхтайди.

Мана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда кейинги йилларда энергетика тизими тубдан янгиланмоқда. Соҳага хусусий сармояни жалб этиш ва “яшил” энергетикани ривожлантириш йўлидаги ислоҳотлар иқтисодий тараққиётимизда янги уфқларни очяпти.

Давлатимиз раҳбари раислигида ёқилғи-энергетика тармоғидаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш юзасидан сармоядорлар билан ўтказилган очиқ мулоқотда ҳам айнан ушбу стратегик масалалар муҳокама марказида бўлди. Президентимиз барқарор энергия таъминоти ишлаб чиқариш саноати ривожидан тортиб, аҳоли фаровонлиги билан боғлиқ барча жараён учун муҳимлигини таъкидлади.

Мулоқотда эришилган натижалар билан бир қаторда инвестициялар самарадорлигини ошириш ва тизимни узоқ муддатли ривожлантириш вазифалари аниқ белгилаб берилди. Ушбу йўналишдаги ишлар ривожини янги босқичга олиб чиқиш энг асосий устувор вазифа этиб белгиланди.

Энергетика барқарорлиги йўлидаги ислоҳотлар қамрови ва самарасига доир рақамлар қайд этилар экан, беихтиёр бундан ўн йил аввалги ҳолатлар ёдга тушаверади. Оддий бир телефонни қувватлаш учун қўшни қишлоққа югурганингиз, электр энергияси таъминотига ўрнатилган чеклов сабаб тегирмонда бир қоп донни ун қилиш учун ойлаб навбат кутганингиз...

Бугун вазият тамоман бошқача. Қатъий сиёсий ирода, машаққатли меҳнат эвазига тизим сезиларли ривожланди, муаммоларга барҳам берилди.

Ўша пайтлари соҳадаги муаммолар фақат эскирган станциялар ва қувват етишмовчилиги билан чекланмаган, назаримизда. Иқтисодиёт ўсиб, электр энергиясига талаб кескин ортаётган бир шароитда тизимга бутунлай янгича ёндашув зарур эди. Энергетика бозорининг хусусий сармоя учун очилиши ва тизимга татбиқ этилган давлат-хусусий шериклик механизмлари ана шу эҳтиёжга муносиб жавоб бўлди. Натижада ўтган даврда соҳага 35 миллиард доллар инвестиция киритилиб, ҳамкор давлатлар сони ўндан ошди ва хусусий сектор иштироки учун мустаҳкам замин яратилди.

Сармоя оқими кўпайиши ва халқаро ҳамкорлик кенгайиши энергетика соҳасидаги ўзгаришларнинг яна бир муҳим йўналиши — энергия манбаларини диверсификация қилишга ҳам йўл очди. Мамлакатимизда “яшил” қувватлар 11,1 гигаваттни ташкил этаётгани, қайта тикланувчи энергия манбаларининг жами генерациядаги улуши 31 фоизга етгани бу борадаги муҳим натижалардир. Мулоқот куни умумий қиймати 4 миллиард 700 миллион долларлик яна 6 та йирик лойиҳа бўйича битимлар имзолангани тармоқдаги ушбу ижобий суръатни изчил давом эттиришга хизмат қилади. Бинобарин, мазкур келишувлар доирасида юртимизда қўшимча 3000 мегаватт генерация ва 400 мегаватт энергия сақлаш қувватлари барпо этилади.

Мамлакатимиз етакчиси ўтган йилларда энергетика лойиҳаларини тайёрлаш ва инвесторлар билан ишлаш бўйича юртимизда катта тажриба тўпланганини алоҳида қайд этди. Энди бу борадаги ҳамкорлик бутунлай янги босқичга кўтарилади: бундан буён ҳар бир инвестиция шунчаки янги қувват яратиш билан чекланмай, тизимнинг ишончлилигини ошириши ва йўқотишларни камайтириши шарт. Бу талаб 2030 йилгача 22 минг мегаватт янги қувват яратишга қаратилган улуғвор мақсаднинг бош мезонидир. Ушбу марра эгалланган, йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 129 миллиард киловатт-соатдан ошиб, ундаги “яшил” энергия улуши 54 фоизга етади.

Ушбу йўналишда ислоҳотлар бошланган дастлабки даврда “яшил” қувватларни тезроқ ишга тушириш мақсадида лойиҳалар кўпинча инвесторлар таклиф қилган ҳудудларда жойлаштирилди. Бу ёндашув қисқа муддатда йирик сармояни жалб этиш имконини берган бўлса-да, айрим жойларда қувватларнинг ҳаддан ташқари тўпланиши, ўз навбатида, электр энергиясини бошқа ҳудудларга етказиш харажатининг ортишига сабаб бўлди.

Президентимиз шундан келиб чиқиб, бизга алоҳида-алоҳида электр станциялари эмас, узвий боғланган энергетика тизими кераклигини таъкидлади.

Энди бу борадаги тизим бутунлай ўзгаради: қайси ҳудудда қандай қувват зарурлиги олдиндан режалаштирилиб, тайёр лойиҳалар очиқ танловга чиқарилади. Бунда ер майдони, тармоққа уланиш нуқтаси, тўлов шартлари аввалдан эълон қилиниб, барча инвестор учун талаб тенг бўлади. Ушбу янги ёндашувнинг илк амалий босқичи сифатида яқин кунларда умумий қуввати 2200 мегаваттли 6 та қуёш ва шамол станцияси лойиҳаси очиқ танловга қўйилиши маълум қилинди.

Мамлакатимиз тарихида илк бор тизимни узоқ муддатли ривожлантириш мақсадида энергетика соҳасининг 2050 йилгача бўлган миллий бош режаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчиликка эълон қилинади. Келгуси йил 1 мартгача тармоқларга уланиш имконияти харитаси, 1 июлга қадар эса тўлиқ бош режа тақдим этилади. Ушбу стратегик ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, у қайси ҳудудда электр энергиясига эҳтиёж ортиши ва янги қувватлар қаерда энг юқори самарадорлик билан ишлашини аниқ кўрсатиб беради.

Сўнгги беш йилда электр тармоқларини модернизация қилишга 2 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилди. Янги генерация қувватлари ортиб бораётган шароитда тармоқларни янгилаш ва энергия сақлаш тизимларини ривожлантириш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки электр энергиясини ишлаб чиқариш билан бирга уни истеъмолчига ўз вақтида ва ортиқча йўқотишларсиз етказиб бериш ҳам муҳим.

Айни мақсадда 2030 йилгача 5000 километр электр тармоғи тортилиб, 16 та йирик подстанция қурилади, энергия сақлаш қувватлари 4,5 гигаваттга етказилади. Лойиҳаларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида амалга оширилади. Генерация, узатиш ва сақлаш имкониятларининг уйғун ривожланиши таъминот барқарорлигини мустаҳкамлаш ва инвестициялар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАХСУС ВАКИЛИ БИЛАН БЎЛАЖАК ТАДБИРЛАР КУН ТАРТИБИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Горни қабул қилди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

АҚШ Давлат котиби Марко Рубионинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи, “С5+1” форматидаги вазирлар учрашуви ҳамда Ўзбекистон — Америка ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг иккинчи йиғилишига тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак тадбирларни мазмунан бойитиш, янги ташаббусларни ишлаб чиқиш ва устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги билдирилди.

Қисқа вақт ичида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш ва қўшма ишбилармонлик ташаббусларини илгари суришнинг самарали механизмига айланган ишбилармонлик кенгашининг аҳамияти ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Икки мамлакат етакчилари иштирокида ўтказиладиган бўлажак халқаро тадбирлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ЎЗАРО МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

АҚШ Давлат котиби Марко Рубионинг “С5+1” саммитида иштирок этиш учун Самарқандга режалаштирилган ташрифи муносабати билан Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази “Марказий Осиё — АҚШ” ҳамкорлик формати ривожланишининг истиқболлари ҳамда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятларини таҳлил қилди.

Ташрифлар тарихи

АҚШ Давлат котибларининг Ўзбекистонга ташрифи тарихи 1992 йил февралдан бошланган. Улар орасида 2015 йил 1 ноябрда Жон Керрининг Самарқандга ташрифи алоҳида аҳамиятга эга. Айнан шу куни Марказий Осиёнинг бешта давлати ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг илк учрашуви бўлиб ўтди ҳамда “С5+1” ҳамкорлик форматига асос солинди.

АҚШ Давлат котиби Марко Рубионинг бўлажак ташрифи икки томонлама музокараларни минтақавий мулоқот билан бирга олиб бориш амалиётининг давоми бўлади.

Келаси ҳафтада АҚШ Давлат котибининг 100 дан ортиқ компания вакилларидан иборат делегацияга бошчилик қилиб Самарқандга келиши кутилмоқда. Ташриф доирасида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари иштирокида “С5+1” форматидаги учрашув ўтказилиши режалаштирилган.

Учрашувнинг асосий йўналишлари сифатида минтақавий иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳамда минтақадаги умумий масалалар бўйича ҳамкорликда ечимлар ишлаб чиқиш белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти билан музокаралар ўтказиш назарда тутилган.

Мазкур ташриф Ўзбекистон учун авval келишилган лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, янги технологияларни жалб этиш ва халқаро капитал бозорларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши мумкин. Америка бизнесининг 100 дан ортиқ компанияси вакиллари иштирок этиши ушбу йўналишларда амалий ҳамкорликни ривожлантиради.

Давоми 3-бетда

Президентимиз учрашувда генерация, энергия сақлаш ва тармоқларни биргаликда қамраб оладиган комплекс лойиҳаларга устуворлик бериш зарурлигини таъкидлади. Бундай ёндашув ҳар бир янги объектни умумий тизимнинг бир қисми сифатида кўриш имконини беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 17 октябрь, 215-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГЕТИКА ЛОЙИҲАЛАРИ – ҲУДУДЛАРДАГИ ЧИНАКАМ ЎЗГАРИШ, АҲОЛИ ҲАЁТИ ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, энергия сақлаш қувватларини 4,5 гигаваттга етказиш режаси қайта тикланувчи энергетика имкониятларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади. Қуёшли вақтда ишлаб чиқарилган электр энергиясини сақлаш ва талаб юқори бўлган пайтда ундан фойдаланиш имконияти энергия таъминотини янада мослашувчан қилади. Узоқ муддатли энергия сақлаш учун гидроаккумуляция станцияларини қуришда инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш режалаштирилаётгани ҳам соҳада технологик ечимларни кенгайтиришга қаратилган.

Шу сабабли Президентимиз учрашувда генерация, энергия сақлаш ва тармоқларни биргаликда қамраб оладиган комплекс лойиҳаларга устуворлик бериш зарурлигини таъкидлади. Бундай ёндашув ҳар бир янги объектни умумий тизимнинг бир қисми сифатида кўриш имконини беради. Станциянинг ишлаб чиқариш қуввати, энергияни сақлаш имконияти ва уни истеъмолчига етказиб берувчи инфратузилма ўзаро мувофиқлаштирилса, сармоядан олинадиган иқтисодий самара ҳам ортади.

Энергетикани узоқ муддатли режалаштириш мамлакатимизнинг халқаро бозорлардаги имкониятларини ҳам кенгайтиради. Озарбайжон ва Қозоғистон билан Каспий орқали “яшил” энергияни Европага етказиш лойиҳасининг амалий босқичга ўтиши, Афғонистон ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш имкони Ўзбекистон учун янги истиқболларни очмоқда. Бироқ экспорт салоҳияти фақат ортиқча электр энергиясига эмас, балки ишончли тармоқлар, рақобатбардош нархлар ва пухта халқаро келишувларга ҳам боғлиқ. Шу маънода, ички энергетика тизимини мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг ташқи бозорлардаги мавқеини белгилайдиган муҳим омилдир.

Ишлаб чиқарилган энергиянинг истеъмолчигача етиб боришигача бўлган йўлдаги ҳар бир йўқотиш қўшимча харажатни англатади. Президентимиз алоҳида қайд этган “Энг арзон энергия — тежалган энергия” тамойили ҳам шу жиҳатдан долзарб. Ижтимоий соҳа объектлари ва сув хўжалигидаги насос станцияларини энергия тежамкор технологиялар асосида модернизация қилишга хусусий сармояни жалб этиш, инвесторларга тежалган энергия ва карбон кредити орқали даромад олиш имконини яратиш кўзда тутилган. Бу механизмлар самара бериши учун тежамкорлик натижалари аниқ ҳисобланиши, экологик талабларга риоя қилиниши ва манфаатлар адолатли тақсимланиши зарур.

Энергияни тежаш ва самарали тақсимлашга қаратилган ислоҳотлар маҳаллий саноат учун ҳам янги имкониятлар яратади. Электр станциялари ва тармоқлар қурилиши мис маҳсулотлари, кабель, трансформатор, металл конструкциялар ҳамда қурилиш материалларига талабни оширади. Маҳаллий корхоналар ушбу талабни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан қондира олса, энергетикага киритилаётган сармоя миллий саноат ривожига хизмат қилади. Шунда инвестицияларнинг самараси янги қувватлар ва барқарор электр таъминоти билан чекланмай, мамлакатда яратилаётган қўшилган қийматда ҳам намоён бўлади.

Йиғилишда маҳаллий корхоналарнинг сифат, нарх ва стандартлар бўйича рақобатбардошлигини ошириш муҳимлиги таъкидланди. Зеро, энергетика лойиҳалари миллий саноат учун янги бозор яратмоқда. Маҳаллий корхоналар жараён билан боғлиқ пайдо бўладиган талабни сифатли маҳсулот ва ўз вақтида етказиб бериш орқали қондира олса, инвестициялар мамлакатда кўпроқ қўшилган қиймат яратишга хизмат қилади.

Бунинг учун табиий ресурслар, саноат салоҳияти, малакали муҳандислар ва билимли ёшларни илғор технологиялар ҳамда халқаро тажриба билан уйғунлаштириш зарур. “ЎЗ” ғоясининг иқтисодий мазмуни ҳам миллий имкониятларни ривожлантириш, дунё билан тенг ҳамкорлик қилиш ва глобал бозорда муносиб ўрин эгаллашда ёркин акс этади.

Энергетика соҳасидаги трансформация нафақат янги қувватлар яратиш, балки ички ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва маҳаллийлаштириш даражасини оширишни ҳам тақозо этмоқда. Саноат кооперациясининг ёркин мисолини Хитойнинг “China Energy” компанияси 8 та энергия сақлаш станцияси қурилишида қарийб 40 фоиз маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланганида ҳам кўриш мумкин. Бунинг қиймати 200 миллион долларга яқинлашди.

Умуман олганда, ўтган йили тармоқдаги лойиҳаларда маҳаллий товар ва хизматлар ҳажми 740 миллион долларга етган бўлса, давлатимиз раҳбари ушбу кўрсаткични яна 3-4 баробар ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатиб ўтди. Ҳозир катта ҳажмда импорт қилинаётган юқори кучланишли ускуналар ва шамол генераторлари бутловчи қисмларини юртимизда ишлаб чиқариш учун 850 миллион долларлик 12 та истиқболли лойиҳа тайёрланган. Хусусан, Жиззах вилоятининг Фориш туманида қуриладиган кичик ва модулли атом электр станцияси учун зарур маҳсулотларни тайёрлаш мақсадида айнан шу ҳудудда солиқ ва божхона имтиёзларига эга махсус саноат зонаси ташкил этилади.

Шунингдек, нефть-газ секторида хомашёни чуқур қайта ишлаш ва тизимли қидирув ишлари орқали қўшилган қиймат яратиш кўлами кенгайтирилмоқда. Айни пайтда “SOCAR” ва “British Petroleum” компаниялари билан Устюртдаги 6 та инвестиция блокида геология-қидирув ишлари бажарилаётган бўлса, хорижлик шериклар учун яна 128 та янги блок тайёрланди. Бу борада газдан нафақат электр энергияси олиш, балки ундан Бухородаги МТО (метанолдан олефин олиш) лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишда фойдаланиш ҳам устувор вазифадир.

Ислоҳотларнинг ички бозорга таъсири сифатида илгари давлат монополиясида бўлган суюлтирилган газ таъминоти тизими ҳам Андижондаги пилот лойиҳа асосида босқичма-босқич хусусий сектор бошқарувига берилади ва келаси йилдан бу тажриба бутун республика бўйлаб ёйилади.

Янгиланаётган энергетика тизимининг барқарорлиги, энг аввало, халқаро талабларга мос замонавий кадрлар салоҳияти билан белгиланади. Бу йўналишда Саудия Арабистони компанияси Қорақалпоғистон, Бухоро ва Сирдарёдаги техникумларни замонавий жиҳозлаб, ҳар йили юзлаб ёшларни янги йўналишларда ўқита бошлагани диққатга сазовор. Давлат бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, инвесторларга техникумларни бошқарувга беришга тайёрлиги билдирилди.

Шунингдек, келаси ўқув йилидан маҳаллий олийгоҳларда соҳавий квоталар оширилади ва дунёнинг энг етакчи университетларида таҳсил олиш учун ҳар йили 50 нафар ёшга давлат гранти ажратилади. Бундан ташқари, йирик сармоядорлар дуч келадиган мураккаб инфратузилмавий ва ҳуқуқий масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида Президент Администрацияси раҳбари бошчилик қиладиган Ёқилғи-энергетика соҳасида инвесторлар кенгаши ташкил этиладиган бўлди.

Юртимизда энергетикага иқтисодиётнинг оддий тармоғи эмас, балки халқимиз фаровонлиги ва келажагимизнинг мустаҳкам таянчи сифатида қаралмоқда. Инвесторлар билан ўтказилган тарихий очиқ мулоқотнинг бош ғояси ҳам шунга монанд: соҳага шунчаки қуруқ капитал жалб этиш эмас, балки ўзаро ишонч ва масъулиятга асосланган ҳақиқий шериклик маданиятини яратиш. Зеро, ҳар бир янги лойиҳа ҳудудлар ривожи ва одамлар ҳаётига янги нур, янги суръат олиб киради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун юртимизда бошланган глобал юксалиш хорижлик ҳамкорларнинг муваффақияти учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очади.

Давлатимиз раҳбари тадбир якунида инвесторлар билан мулоқот қилиб, уларнинг соҳа ривожига доир фикр ва таклифларини тинглади, ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ёқилғи-энергетика тармоғидаги инвесторлар кенгашининг биринчи йиғилиши доирасида Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, “ACWA” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайян бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Мулоқот давомида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва устувор қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда Саудия Арабистони компанияларининг мамлакатимиз бозорига қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бунинг натижасида “яшил” энергетика, замонавий инфратузилмалар, юқори технологиялар, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Томонлар эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли бажариш орқали икки томонлама амалий ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга тайёр эканини қайд этдилар.

Учрашув якунида саудиялик инвесторлар Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ёқилғи-энергетика тармоғидаги инвесторлар кенгашининг йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Озарбайжоннинг “SOCAR” компанияси раҳбари Ровшан Нажаф ва “British Petroleum” компаниясининг катта вице-президенти Жованни Кристофоли билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида энергетика соҳасида ушбу етакчи компаниялар билан муваффақиятли ҳамкорлик йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди.

Устюрт платосидаги углеводород конларини ўзлаштириш бўйича навбатдаги амалий чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Буюк Британиянинг “British Petroleum” компанияси ушбу йирик лойиҳага қўшилгани юқори баҳоланди.

Нефть-газ соҳасида янги лойиҳаларни илгари суриш, нефть ва нефть маҳсулотларини узоқ муддатли етказиб бериш ва сотиш тармоғини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Cengiz Holding” бошқаруви раиси Меҳмет Женгизни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми ошиб, йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаётганини мамнуният билан қайд этди.

“Cengiz Holding” билан мулоқот давомида энергетика, геология ва инфратузилма соҳаларидаги лойиҳаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, иссиқлик электр станцияларини барпо этиш ҳамда электр энергиясини тақсимлаш тармоқларини модернизация қилишга қаратилган истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ёқилғи-энергетика тармоғидаги инвесторлар кенгашининг биринчи йиғилиши доирасида Туркиянинг “Aksa Enerji” компаниясининг директорлар кенгаши раиси Жамил Казанчини қабул қилди.

Суҳбат давомида компания билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, унинг Ўзбекистон энергетика тармоғини ривожлантириш ва технологик модернизация қилиш лойиҳаларида иштирок этиш масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар аниқ лойиҳалар бўйича ишларни жадаллаштиришга келишиб олдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида Ёқилғи-энергетика тармоғидаги инвесторлар кенгашининг биринчи йиғилиши доирасида Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи компаниялари раҳбарларини қабул қилди.

Учрашувда “Masdar” бош ижрочи директори Муҳаммад Жамил ал-Рамаҳий ва “AMEA Power” раиси Ҳусайн ал-Новайс иштирок этди.

Мулоқот чоғида Амирликлар билан стратегик шериклик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Йил бошидан буён ўзаро савдо ҳажми 40 фоизга ўсди. Йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Суҳбат якунида “яшил” энергетика, замонавий инфратузилмалар, тармоқлар ва саноат кооперацияси, туризм ва хизмат кўрсатиш каби йўналишлардаги лойиҳаларни жадаллаштириш ҳамда кенгайтиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ёқилғи-энергетика тармоғидаги хорижий инвесторлар кенгашининг йиғилиши доирасида Хитойнинг етакчи компаниялари — “CAMCE”, “China Energy” ва “Sinoma Energy” раҳбарларини қабул қилди.

Учрашувда қайта тикланувчи энергетика, энергия сақлаш, чиқиндини қайта ишлаш ва сув таъминоти соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Хитой компанияларининг Андижон вилоятида логистика хабини ташкил этиш, агровольтаикани ривожлантириш ҳамда нефть-газ соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ёқилғи-энергетика тармоғидаги инвесторлар кенгашининг биринчи йиғилишида қатнашиш учун юртимизга ташриф буюрган Ўмоннинг “Voltamp Energy” компанияси директорлар кенгаши раиси Саййид Айман ал-Бусайдийни қабул қилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, қуёш электр станцияларини барпо этиш ва юқори кучланишли трансформаторлар ишлаб чиқариш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида компания иштирокидаги жорий ва янги лойиҳаларни “йўл харитаси” асосида амалга ошириш бўйича келишувга эришилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ОҲИЧК САММИТИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 14-15 октябрь кунлари амалий ташриф билан Озарбайжонда бўлди. Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК) нинг еттинчи саммитида иштирок этди ҳамда қатор мамлакатлар етакчилари билан учрашувлар ўтказди.

Хорижий эксперт ва таҳлилчилар мазкур ташрифнинг Ўзбекистон — Озарбайжон шериклигини янада кенгайтириш ҳамда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришдаги аҳамиятини эътироф этди. Улар ўз таҳлилларида икки томонлама муносабатлар ва кўп томонлама майдонларни, хусусан, ОҲИЧКни Осиё маконида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда қулай имконият сифатида баҳоламоқда.

Илгар ВЕЛИЗАДЕ,
сиёсатшунос ва таҳлилчи (Озарбайжон):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ОҲИЧК саммитидаги нутқи расмий Тошкентнинг ўзи иштирок этаётган халқаро майдонлар фаолиятига изчил тарзда амалий мазмун бағишлашга интилаётганини яна бир бор намоён этди. Ўзбекистон дипломатияси ушбу тузилмаларнинг бунёдкорлик салоҳиятидан тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон етакчиси Осиёда яхлит ишонч инфратузилмасини шакллантиришга урғу бериб, тегишли концепция ишлаб чиқишни таклиф қилди. Ушбу тушунча замирида давлатлараро муносабатларга доир аниқ тамойиллар ётади: хатти-ҳаракатларнинг олдиндан кўра билиниши, мажбуриятларга содиқлик ва қўшма лойиҳаларни ривожлантириш можароларнинг олдини олиш учун мустаҳкам пойдевор яратиши лозим. Бундай ёндашувда транспорт ва энергетик боғлиқлик, савдо-сотиқ, рақамли ҳамкорлик ҳамда гуманитар алмашинувлар ишончни мустаҳкамлашнинг амалий воситаларига айланади.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган технологик ишонч ва сунъий интеллектдан масъулият билан фойдаланиш бўйича Осиё ташаббуси алоҳида эътиборга лойиқдир. Уни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида мутахассислар умумий тавсиялар ишлаб чиқадиган ва амалий чора-тадбирларни келишиб оладиган ОҲИЧК экспертлар майдонини яратиш кўзда тутилган.

Бу ўринда Тошкент замонамизнинг энг нозик муаммоларидан бирига эътибор қаратмоқда: технологик тараққиёт давлатларнинг имкониятларини кенгайтириши, айни пайтда улар ўртасидаги тафовутни қисқартириши керак. Сувни тежайдиган технологиялар, “яшил” энергетика ва атроф-муҳит ҳолатини кузатишга урғу берган ҳолда иқлим барқарорлиги соҳасида шериклик қилиш бўйича таклиф ҳам худди шундай аниқ ва мазмунли янгради.

Ўзбекистоннинг 2027 йилда Инсон салоҳиятини ривожлантириш форумини ўтказишга тайёрлиги ушбу кун тартибининг муҳим давоми бўлди. Таълим, ёшлар ва хотин-қизлар учун имкониятлар яратиш, рақамли трансформация шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлажак муҳокамаларнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланди. Келгуси икки йилга мўлжалланган ОҲИЧК ҳаракатлар дастури эса гуманитар ҳамкорликка изчиллик бағишлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон дипломатиясининг ўзига хос услуби — кенг қамровли сиёсий мақсадларни биргаликдаги фаолиятнинг аниқ йўналишлари билан боғлай олиш маҳорати айнан шунда намоён бўлади. Ўзбекистон етакчиси нутқининг аҳамияти, энг аввало, турли манфаатларга эга давлатлар учун ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга хизмат қиладиган тушунарли кун тартибини таклиф этишидадир. Осиё учун бундай бунёдкор ва амалий ёндашув юксак эътирофга сазовор.

Юрий СИГОВ,
Россия давлат гуманитар университети халқаро муносабатлар кафедраси доценти:

— ОҲИЧК Осиё қитъаси давлатларини бирлаштирувчи нуфузли халқаро минтақавий форум бўлиб, асосий вазифаси ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро ишончни ошириш ва Осиё мамлакатларининг глобал миқёсдаги нуфузини юксалтиришдан иборат.

Ўзбекистоннинг мазкур форумдаги иштироки расмий Тошкентнинг Осиё муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш, минтақадаги давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйишга қаратилган умумий сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Бундай мулоқот майдонлари мамлакатларга умумий манфаатларни мувофиқлаштириш ва долзарб масалалар бўйича ҳамкорликни кенгайтириш имконини беради.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ҳамда шериклик алоқалари изчил ривожланишини алоҳида қайд этган бўлардим. Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқот фаоллашуви иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, савдо алоқаларини ривожлантириш ва транспорт-логистика имкониятларидан самарали фойдаланиш учун муҳим замин яратмоқда.

Денгизга бевосита чиқиш имкониятига эга бўлмаган Ўзбекистон Яқин Шарқ, Жанубий Кавказ, Туркия ва улар орқали Европа бозорлари билан иқтисодиётни боғлайдиган транзит йўлакларини йўлга қўйишда Бокуга муҳим шерик сифатида қарайди. Шу нуқтаи назардан, Озарбайжон билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини диверсификациялаш, экспорт йўналишларини кенгайтириш ва минтақалараро транспорт боғлиқлигини кучайтиришда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон бугун Марказий Осиё келажагини белгилаб берувчи кўплаб жараёнлар марказида турибди. Унинг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон билан муносабатлари тобора чамбарчас боғланиб бормоқда.

Бу минтақавий ҳамкорликнинг янги имкониятларини очиб, иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, транспорт йўлакларини ривожлантириш ва давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратмоқда.

“Дунё” АА

БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Муносабат

Шавкат ТЎРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ўзбек дипломатиясида асосий урғу аниқ натижага қаратилган. Чунки Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида унумдорлик тамойилини бош мезон этиб белгилаган. Зеро, имзоланган ҳар бир ҳужжат ортида янги иқтисодий йўлаклар, инвестициялар ва барқарорлик туриши шарт.

Юртимизнинг глобал майдондаги ташаббускорлиги айнан шу мақсадга, миллий манфаатларни таъминлашга қаратилган. Биз бунинг амалий ифодасини Ўзбекистоннинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш платформасидаги ташаббусларида, минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий интеграцияни кучайтиришга қаратилган қадамларда кўришимиз мумкин.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш қитъада ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро мулоқот майдонидир.

Президентимиз Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 14-15 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди ва Бокуда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг еттинчи саммитида иштирок этди.

Кенгашнинг муҳим хусусияти шундаки, у умумий муаммоларни мулоқот ва ўзаро келишилган ёндашувлар асосида ҳал этишга интилади. Ташкилот БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар билан муносабатларни ривожлантириш борасида кенг кўламдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

Осиё дунё иқтисодиётининг муҳим марказларидан бири. Аммо унинг тўлиқ имкониятларини ишга солиш учун мамлакатлар ўртасида ишонч, тинчлик ва ўзаро боғлиқлик ҳам бўлиши керак.

Мамлакатимиз етакчиси ушбу нуфузли анжумандаги нутқида Ўзбекистон манфаатларига хизмат қилувчи муҳим ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар фақат тинч йўл билан, сиёсий-дипломатик воситалар орқали, халқаро ҳуқуқ ва барча томонлар манфаатларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, саммитда Технологик ишонч ва сунъий интеллектдан масъулият билан фойдаланиш бўйича Осиё ташаббуси илгари сурилди. Уни амалга ошириш доирасида ОҲИЧК ҳузурида экспертлар майдонини ташкил этиш таклифи билдирилди. Шу билан бирга, ОҲИЧКга аъзо давлатларнинг иқлим ўзгаришларига мослашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида иқлим барқарорлиги бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш таклиф этилди.

Бу ташаббусларнинг моҳияти шундаки, Ўзбекистон муаммоларга ечим бўладиган амалий ҳамкорлик кун тартибини шакллантиришга интилмоқда. Унда хавфсизлик, иқтисодий тараққиёт, экологик барқарорлик ва халқлар ўртасидаги ишонч бир-биридан ажралмас масалалар сифатида қаралмоқда.

Зеро, Ўзбекистон учун кенгашда иштирок этиш, энг аввало, миллий иқтисодий манфаатларни илгари суриш ва халқаро шерикликни кенгайтириш учун қўшимча имконият демакдир. Чунки бу майдонда мамлакатимиз катта бозорларга, инвестиция ва технологик салоҳиятга эга давлатлар билан бевосита мулоқот қилади. Бу эса савдо алоқаларини кенгайтириш, сармоя жалб этиш ва ҳамкорликнинг янги йўналишларини топиш учун шароит яратади.

Айниқса, транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон океанларга тўғридан тўғри чиқиш имкониятига эга эмаслиги ташқи савдо йўналишларини диверсификациялашни муҳим вазифага айлантиради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ бозорлари билан алоқаларни ривожлантириш, экспорт географиясини кенгайтириш, транспорт харажатларини камайтириш ва маҳаллий корхоналарни халқаро ишлаб чиқариш занжирларига интеграция қилиш зарурати ҳар доим долзарб.

Кенгашдаги фаол иштирок мамлакатимизнинг БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигини тўлдириши билан аҳамиятлидир. Натижада Ўзбекистон ўз ташаббусларини илгари суриш ва ўзаро манфаатли ечимларни келишиш учун муҳим мулоқот майдонига эга бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

“C5+1” формати Ўзбекистонга АҚШ билан икки томонлама ҳамкорликни минтақавий транспорт ва энергетика лойиҳалари билан боғлаб, инвесторлар доирасини кенгайтиради ҳамда халқаро ишлаб чиқариш занжирларидаги иштирокини кучайтиради. Самарқанддаги бўлажак учрашув ушбу йўналишларда аниқ лойиҳаларни амалга оширишга янги туртки бериши шубҳасиз.

ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 17 октябрь, 215-сон

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: ЎЗАРО МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Таҳлил

Хуршид АСАДОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

“Марказий Осиё +” форматининг ривожланиши

Ташқи ҳамкорлар иштирокидаги минтақавий мулоқот форматлари Марказий Осиё дипломатиясининг доимий қисмига айланиб бормоқда. 2025 йил апрелда Самарқандда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтган. Унинг якунлари бўйича томонлар ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Шу йил июнда Остонада Хитой билан иккинчи саммит, декабрда Токиода Япония билан биринчи саммит, 2026 йил сентябрда эса Сеулда Корея Республикаси билан биринчи саммит ўтказилди.

Ушбу мулоқот майдонларида муҳокама қилинадиган иқтисодий масалалар кўп жиҳатдан ўхшаш бўлиб, транспорт, энергетика, стратегик аҳамиятга эга хомашё ресурслари, саноат ва рақамли технологиялар соҳаларини қамраб олади.

“C5+1” формати Америка бизнеси ва молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш учун алоҳида имконият яратади. 2015 йилдан буён амал қилиб келаётган ушбу формат доирасида иқтисодиёт, энергетика, атроф-муҳит муҳофазаси ва хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорлик қилинмоқда.

Минтақавий мулоқот транзит, трансчегаравий инфратузилма ва таъминот занжирлари барқарорлиги каби алоҳида бир мамлакат доирасида ҳал этиб бўлмайдиган масалаларни биргаликда кўриб чиқиш имконини беради.

Ушбу масалаларни Марказий Осиёнинг бешта давлати ва АҚШнинг салоҳиятли инвесторлари иштирокида ягона мулоқот майдонида муҳокама қилиш миллий лойиҳаларни амалга оширишда минтақавий шароитларни ҳисобга олиш ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

“C5+1” биринчи саммити натижалари

Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ Президентлари даражасидаги биринчи “C5+1” саммити 2023 йил 19 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтди. 2024 йил февралда стратегик аҳамиятга эга минераллар бўйича мулоқотнинг илк йиғилиши, март ойида эса Олмаотада “B5+1” форматидаги биринчи бизнес-форум ўтказилди.

Мазкур бизнес-форум тадбиркорларга инвестиция муҳити ва минтақавий иқтисодий интеграция масалаларини муҳокама қилишда бевосита иштирок этиш имконини берди. Шу тариқа сиёсий даражадаги мулоқот тармоқлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги амалий ҳамкорлик билан тўлдирилди.

2025 йил 6 ноябрда Оқ уйда ўтказилган саммит ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. АҚШ Савдо вазирлиги маълумотларига кўра, бизнес-форум доирасида Марказий Осиё минтақаси бўйича умумий қиймати 25 миллиард доллардан ортиқ савдо ва инвестиция келишувлари эълон қилинди. Улар авиация, қишлоқ хўжалиги техникаси, темир йўл инфратузилмаси, рақамли технологиялар ҳамда стратегик аҳамиятга эга минералларни қазиб олиш соҳаларини қамраб олади.

Саммитда Президентимиз инвестиция ва савдо соҳаларидаги ҳамкорликни мувофиқлаштиришни кучайтириш, Марказий Осиёни Жанубий Кавказ ва Европа билан боғловчи транспорт ҳамда энергетика лойиҳаларини ривожлантириш, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга минералларни қидириш, қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф этди. Илгари сурилган ташаббуслар қаторидан навбатдаги саммитни Самарқандда ўтказиш таклифи ҳам ўрин олди.

Ҳамкорликнинг кейинги босқичида асосий масала юқори даражада қабул қилинган қарорларни амалга ошириш учун лойиҳаларнинг тайёрлиги ва молиялаштириш манбаларини таъминлашдан иборат. Авиация соҳасида бу авиация техникасини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш, саноатда янги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга тушириш, минерал хомашё соҳасида эса қайта ишлаш технологияларини ўзлаштириш ҳамда тайёр маҳсулот харидорлари билан шартномалар тузишни назарда тутади.

Икки томонлама учрашув ва янги инвестиция механизмлари

Минтақавий ҳамкорлик Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги бевосита мулоқотга ҳам таянади. Президентимизнинг 2018 йил май ойида АҚШга расмий ташрифи давомида Оқ уйда АҚШ Президенти Дональд Трамп билан музокаралар ўтказилди ҳамда “стратегик шерикликнинг янги даври” бошлангани тўғрисида қўшма баёнот қабул қилинди.

2025 йил сентябрда икки давлат раҳбарлари Нью-Йоркда яна учрашди, 6 ноябрда эса Вашингтонда музокаралар ўтказди. 2026 йил февралда Ўзбекистон Президенти Тинчлик кенгашининг таъсис йиғилишида иштирок этиш учун Вашингтонга ташриф буюрди. Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида янги икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ноябрдаги музокараларнинг асосий натижаларидан бири Ўзбекистон — Америка ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг ташкил этилиши бўлди. Кенгашга Ўзбекистон Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева ва Америка томонидан Сержио Гор ҳамраислик қилади. Кенгашнинг вазифалари йирик савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, келишувлар ижросини назорат қилиш, молиявий ресурсларни жалб этиш ҳамда АТ парк резидентлари хизматини илгари суриш ва бошқа йўналишларни қамраб олади.

Халқаро капитални жалб этишнинг яна бир имконияти Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармаси — UzNIF акцияларининг бирламчи оммавий жойлаштирилиши (IPO) орқали юзага келди. 2026 йил 18 майда жамғарманинг глобал депозитар тилхатлари Лондон фонд биржасида савдога қўйилди. 2025 йилдан буён Franklin Templeton компанияси бошқарувида бўлган жамғарма 13 та давлат корхонасидаги улушларни бирлаштиради. Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги нуқтаи назаридан ушбу тажриба Америка бошқарув компаниясининг давлат активлари портфелини ислоҳ қилишдаги иштироки ва халқаро акциялар бозори орқали капитал жалб этиш имкониятларини кенгайтириш билан аҳамиятлидир.

Ҳамкорликнинг яна бир йўналиши инвестиция активларини бошқариш бўйича дунёдаги энг йирик компаниялардан бири BlackRock билан алоқаларни ривожлантиришга қаратилган. 2026 йил январь ойида Давосда Президентимиз компания директорлар кенгаши аъзоси ва катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлеси билан учрашди. Музокараларда BlackRock компаниясининг Ўзбекистон корхоналари капиталида иштирок этиши, қўшма инвестиция механизмларини яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилаш учун халқаро тажрибани жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди.

2026 йил 7 июлда Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда томонлар хусусийлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, молия бозорини ривожлантириш, ёнилғи-энергетика комплекси ва нефть-кимё саноатида лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларига қўшма инвестициялар киритиш масалаларини кўриб чиқди.

АҚШ Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) билан ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. DFC инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хусусий капитални жалб қилувчи АҚШ давлат молия институтидир.

2026 йил февралда томонлар қўшма инвестиция платформасини ташкил этиш тўғрисида келишув имзолади. 2026 йил 16 июнда DFC платформанинг ишга туширилгани эълон қилинди. У Америка ва халқаро капитал иштирокида устувор инвестиция лойиҳаларини танлаш ва молиялаштиришга мўлжалланган.

Платформанинг устувор йўналишлари энергетика, стратегик аҳамиятга эга минераллар, инфратузилма, транспорт ва логистика, юқори технологик ишлаб чиқариш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда фармацевтика соҳаларини қамраб олади. Лойиҳаларни молиялаштиришга хусусий инвесторлар, суверен жамғармалар ва халқаро молия институтларини жалб этиш назарда тутилган.

Инвестиция лойиҳаларини танлаш ва молиялаштиришнинг амалий механизми яратилгани платформанинг аҳамиятли томонларидан. Бу бўлажак учрашувда аниқ лойиҳалар, уларнинг амалга оширишга тайёрлик даражаси ва ҳамкорларнинг иштирок этиш шартларини муҳокама қилиш имконини беради.

Муҳим минераллар ва уларни қайта ишлаш имкониятлари

2024 йил сентябрда Ўзбекистон ва АҚШ 2023 йилги “C5+1” саммити ташаббуслари доирасида муҳим минераллар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолади. 2026 йил февралда эса вазирлар даражасида муҳим минераллар ва ноёб ер элементларини қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш соҳасида ишончли таъминотни таъминлаш бўйича ҳукуматлараро меморандум имзоланди.

Ўзбекистон учун юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш энг катта иқтисодий самара бериши мумкин. Бунинг учун минерал хомашёни қазиб олиш билан чекланмасдан, уни бойитиш, қайта ишлаш ва саноат истеъмолчилари талабларига жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Шу боис, қўшма лойиҳаларни баҳолашда хомашёни қайта ишлаш даражаси, замонавий технологиялардан фойдаланиш имконияти, маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг мамлакат ҳудудида амалга ошириладиган улуши муҳим мезонлар ҳисобланади.

Савдо динамикаси ва иқтисодий алоқалар таркиби

Ўзбекистон Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2017-2025 йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4,7 баробар, яъни 215 миллион доллардан 1 миллиард долларгача ошди. Шу даврда экспорт 32,1 миллион доллардан 291,7 миллион долларга, импорт эса 182,9 миллион доллардан 712,3 миллион долларга етди. Ушбу кўрсаткичлар икки томонлама савдо алоқалари кенгайгани, шу билан бирга, АҚШ маҳсулотлари ва хизматлари импорти устунлигича қолаётганини кўрсатади.

2026 йил январь-август ойларида ўзаро савдо ҳажми 810,4 миллион долларга етиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 33,4 фоиз ошди. Ўзбекистон экспорти 59,9 фоиз ўсиб, 304,5 миллион долларни, импорт эса 21,3 фоизга кўпайиб, 506 миллион долларни ташкил этди. АҚШнинг Ўзбекистон умумий ташқи савдо айланмасидаги улуши 1,1 фоиздан 1,4 фоизга кўтарилди.

2026 йилнинг дастлабки саккиз ойида экспорт таркибида хизматлар 224,8 миллион доллар ёки умумий экспортнинг 73,8 фоизини ташкил этди. Машина ва транспорт ускуналари экспорти 44,8 миллион долларга, минерал ёқилғи ва унга ўхшаш маҳсулотлар экспорти эса 17,6 миллион долларга етди.

Импорт таркибида энг катта улуш машина ва транспорт ускуналарига тўғри келиб, уларнинг қиймати 272,5 миллион доллар ёки умумий импортнинг 53,9 фоизини ташкил этди. Хизматлар импорти 84,1 миллион долларга, кимё саноати маҳсулотлари импорти эса 73,5 миллион долларга тенг бўлди.

2026 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда АҚШ капитали иштирокида тўрт юзга яқин корхона фаолият юритмоқда. Америка компанияларининг фаолияти ва қўшма лойиҳалар қайта ишлаш ва тоғ-кон саноати, энергетика ва нефть-газ кимёси, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ҳамда ахборот технологияларидан иборат хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олади.

2017-2025 йилларда АҚШдан жалб қилинган тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 2,9 миллиард доллардан ошди. Йиллик кўрсаткич 2017 йилдаги 8,6 миллион долларлардан 2025 йилда 383,2 миллион долларга етди.

Ўзбекистон — АҚШ иқтисодий ҳамкорлигининг фаоллашуви савдо ва инвестиция алоқаларининг кенгайиши, Америка капитали иштирокидаги корхоналар сонининг ортиши ҳамда АҚШ компанияларининг Ўзбекистонда қўшма лойиҳаларни амалга оширишдаги иштироки кучайиши билан кузатилмоқда.

Хулоса

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, аввало, эришилган келишувларни амалга ошириш, инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш, саноат кооперациясини ривожлантириш ҳамда ўзаро савдо ҳажмини ошириш билан боғлиқ. Энергетика, инфратузилма, қайта ишлаш саноати ва юқори технологияли тармоқлардаги қўшма лойиҳалар алоҳида аҳамиятга эга.

Минтақавий мулоқот икки томонлама ҳамкорликни тўлдириб, транспорт, энергетика ва савдо соҳаларидаги масалаларни биргаликда ҳал этиш имконини беради. Ушбу йўналишлардаги мувофиқлаштирилган ҳамкорлик бизнес учун қулай шароитлар яратиш ва иқтисодий алоқалар барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Бўлажак музокаралар ҳамкорликнинг кейинги устувор йўналишларини белгилаш ва эришилган келишувларни амалий лойиҳаларга айлантириш имконини беради.

Умуман, “C5+1” формати Ўзбекистонга АҚШ билан икки томонлама ҳамкорликни минтақавий транспорт ва энергетика лойиҳалари билан боғлаб, инвесторлар доирасини кенгайтиради ҳамда халқаро ишлаб чиқариш занжирларидаги иштирокини кучайтиради. Самарқанддаги бўлажак учрашув ушбу йўналишларда аниқ лойиҳаларни амалга оширишга янги туртки бериши шубҳасиз.

Нуқтаи назар

ОЛАМ АҲЛИ БИЗГА ҲАВАСДА

Нормурод ИСОҚОВ,
меҳнат фахрийси

Бугунги кунда ҳудудларда ислоҳотларнинг самараси ва аҳолини фаровон турмушига гувоҳ бўлиб, юракдан қувонаман. Шу ўринда кечаги кунимиз ва янги Ўзбекистондаги ўзгаришларни беихтиёр таққослайман. Узоқ йиллар ҳокимлик тизимида ишлаганман. Жумладан, 1998 йилдан 2010 йилгача Қизилтепа тумани ҳокими, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият юритдим. Ўшанда ҳудудда энг катта муаммолардан бири ичимлик сув бўлган. Лекин бу масалани ҳал қилиш учун имконият йўқ эди.

Ўша даврда ҳокимлик тизимидаги мутасаддиларнинг вазифаси аҳолини пенсия билан таъминлаш, бюджетнинг биринчи даражали тўловларини ўз вақтида амалга ошириш, иш ҳақларини таъминлаш кабилар эди. Масалан, “касса режаси”, “нақд пул” деган жуда катта муаммоларга дуч келганмиз. Айрим ҳокимлар ва ўринбосарлари биринчи даражали тўловларни амалга ошириш учун баъзан бошқа туманлардан нақд пул топиб келишга мажбур эди.

Қизилтепа саноатлашган, тадбиркорлик ривожланган туман бўлгани учун белгиланган режаларни бажарардик. Лекин Навоий саноатлашган вилоят деган важлар билан белгиланган режалар қайта кўриб чиқиларди. Ўзгартиришлар киритилгач, топилган маблағни турли йўналишларга сарфлашга мажбур бўлардик.

Ҳозир халқ билан мулоқот қилина бошланди. Ижтимоий ҳимоя тизими жорий этилди. Аввал ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашимиз керак эди. Оғир аҳволда бўлган, юқори даражадаги жарроҳлик амалиётига муҳтож инсонлар ҳам бор эди. Ҳокимликда эса бунинг учун етарли маблағ бўлмаган. Шундай пайтларда биз тадбиркорларга мурожаат қилардик. Улар имкониятидан келиб чиқиб, ана шундай оилаларга кўмак берарди. Ҳозир ижтимоий ҳимоя тизими бу каби инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Кейинчалик қарийб ўн йил маҳалла тизимида раҳбар бўлиб ишладим. Ўша вақтларда айрим маҳалла бинолари уйларнинг ертўласида ёки бирор бинонинг бир хонасида жойлашганди. Ҳатто бировнинг уйидаги хоналардан ҳам маҳалла идораси сифатида фойдаланилган жойлар бор эди. Тўрт, баъзан беш-олти ходим битта хонада ишларди. Ўшанда маҳаллада оддий компьютер жамланмаси ҳам йўқ эди. Ҳозир “маҳалла еттилиги” учун яратилган шароитларни кўриб, кўз қувнайди. Янги бинолар, шинам хоналарда барча техник имконият бор.

Илгари асосий талабимиз “Кўчамизга ҳеч бўлмаганда шағал ётқизиб беринг”, деган мазмунда бўларди. Қишлоқларга борсак, чанг кўчани учратмайсиз. Асфальт ёки шағал ётқизилган. Ана шу шағал кўчалар ҳам аста-секин асфальт қилинмоқда. Яъни аҳолининг талаби ва эҳтиёжи ўзгарди. Бугун ҳокимиятда маблағ, имконият бор. Маҳаллалар рўйхатлари шакллантирилиб, оғир тоифадагиларига алоҳида-алоҳида маблағ ажратилмоқда. Ичимлик сув масаласи ҳам ҳозир 85 фоиз атрофида ҳал этилди. Аҳолининг асосий қисми тоза ичимлик сув билан таъминланган.

Умумий ўрта таълим мактабларининг аҳволи ҳам оғир эди. Ўзим ўқиган Қизилтепа туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабида ўша пайтда шароитлар етарли эмасди. Ҳозир мактабларимизнинг қиёфасига қаранг. Мактабгача таълим ташкилотлари таъминотига, қурилишига қаранг. Ҳар қишлоқда мактабгача таълим масаласи бўйича имкониятлар яратилиб, қамров кенгаймоқда. Олдин ота-оналар илтимос қилиб, турли йўллар билан фарзандини боғчага жойлаштиришга ҳаракат қиларди. Давлат-хусусий шериклик асосида ташкилотлар кўпайиб, соҳада рақобат пайдо бўлди.

Тадбиркорларимиз ижтимоий масъулиятини ҳис этиб, янги мактаблар қуриб, уларни таъмирлашда иштирок этмоқда. Ҳоким қишлоққа бориб, мактаб муаммосини инвестиция дастурига киритиб, масалага ечим бера оляпти.

Бугун тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга барча имконият яратиб берилмоқда. Аввалари тадбиркор дегани гўёки ноқонуний йўл билан даромад топадиган, одамларнинг ҳақини ейдиган инсондек тушуниларди. Ҳозир тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркор фаолиятига ноқонуний аралашишга йўл қўйилмаяпти. Хато қилганларни кечириш, имкон бериш йўли танланмоқда. Натижада дунё аҳли Ўзбекистонга қизиқиш билан қараяпти. Инвесторларнинг ўзи мамлакатимизга кириб келмоқда.

Бугун шаҳару қишлоқларни кезиб, тўғриси, ҳавас қиламан. Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларни кўриб, хурсанд бўламан. Маҳалларимизда равон ва ёруғ йўлакларда одамлар кечқурун сайр қилиб, спорт билан шуғулланмоқда.

Ҳа, ислоҳотлар, ўзгаришлар кириб бормаган тизим ёки тармоқ қолмади. Шулар ҳақида ўйлаб, аввал ким эдик, бугун ким бўлдик деган саволга жавоб излайман. Бунга жавобан кўз олдимга халқаро майдонда ватан байроғини баланд кўтарган ёшлар келади. Улар барча соҳада, айниқса, илм-фанда илғорлар сафида. Тадбиркорларимиз ишлаб чиқарган маҳсулотлар дунё бозорида ўз харидорига эга бўлиб боряпти. Маҳаллалар тинч, обод бўлиб, оилаларга барака кирмоқда.

Шундай хайрли ишларни кўриб, фахрий бўлсам-да, янгидан кучга тўламан. Бошланган катта янгиланишларга камарбаста бўлиб, оз бўлса-да, ҳисса қўшгим келади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 30 йиллигига

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 17 октябрь, 215-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСАТИ ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кейинги ўн йилда мамлакатимизда инсон қадри ва ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилган изчил ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг мустақиллигини ошириш, ваколатларини кенгайтириш ва давлат сиёсатидаги муносиб ўрнини таъминлаш, шунингдек, халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йил 31 октябрда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил топганига роппа-роса 30 йил тўлади. Миллий марказ директори, академик Акмал САИДОВ билан суҳбатимиз айни шу мавзуга бағишланди.

— Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасида давлат сиёсатининг ягона тизимини шакллантиришга кўмаклашувчи миллий институт сифатида ташкил топган, — деди А.Саидов. — Миллий марказ БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи жаҳон конференцияси (Вена, 1993 йил) тавсиялари ҳамда Париж тамойилларига мувофиқ ташкил этилган.

1997 йил 5 март куни Миллий марказнинг тантанали очилиши бўлди. Шу кундан бошлаб у миллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, демократлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини йўлга қўйди.

Ўтган давр мобайнида Миллий марказ ўз фаолиятининг асосий йўналишлари доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга изчил кўмаклашиб келмоқда. Бунда, хусусан, Ўзбекистоннинг халқаро шартномалар бўйича даврий маърузаларини тайёрлаш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан миллий мониторинг олиб бориш, қонунчиликни такомиллаштиришда иштирок этиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, илмий-маърифий ва нашриёт фаолиятини юритиш масалалари алоҳида аҳамиятга эга.

— Миллий марказнинг 30 йиллик фаолияти солномасига мухтасар назар солиш мумкинми?

— Истиқлол йилларида Миллий марказ мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш борасидаги стратегик йўналишларни белгиловчи ягона давлат институтига айланди. Бинобарин, бундай вазифа бошқа ҳеч қандай давлат органига юкланмаган эди.

Миллий марказнинг бошқа миллий институтлардан фарқи шундаки, унинг фаолияти нафақат мамлакат ичидаги, балки Ўзбекистондан ташқаридаги алоқаларни ҳам қамраб олади: у ҳукуматга халқаро мажбуриятларни бажаришда кўмаклашади, халқаро институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради, халқаро ҳамжамиятни мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари ҳолати ҳақида хабардор қилади.

Энг муҳими, Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ва “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастури Миллий марказ фаолиятида янги босқични бошлаб берди.

Ўттиз йиллик давр мобайнида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишга кўмаклашувчи етакчи миллий институт сифатида шаклланди ва мустаҳкамланди. Ушбу даврда Миллий марказ фаолиятининг қатор муҳим натижаларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи муҳим натижа — институционал мустаҳкамланиш. Миллий марказ 2008, 2013 ва 2018 йиллардаги давлат қарорлари орқали моддий-техник, кадрлар ва ресурс салоҳияти жиҳатидан изчил барқарорлашиб борди, 2023 йилда эса унинг мақоми жаҳонда илк бор конституциявий даражада мустаҳкамланди.

Хусусан, бу борадаги энг муҳим қонунчилик янгиликларидан бири Президентимизнинг 2018 йил 10 декабрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори бўлди. Бу қарор Миллий марказнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳамда халқаро мажбуриятларни бажаришдаги ролини янада кучайтиришга хизмат қилди.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 июндаги тегишли фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”, шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари тавсияларини кўриб чиқиш юзасидан давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Иккинчи муҳим натижа — халқаро мажбуриятлар ижроси. Миллий марказ БМТнинг асосий инсон ҳуқуқлари шартномалари бўйича ўнлаб даврий маърузаларни тайёрлаш, шунингдек, ногиронлар ҳуқуқлари, аёллар ва болалар ҳуқуқлари конвенциялари, Иқтисодий-ижтимоий-маданий ҳуқуқлар пакти каби йўналишларда миллий ҳаракатлар режалари ижросини мониторинг қилишда фаол иштирок этди.

Миллий марказ инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ БМТнинг устав ва шартномавий органларига миллий маърузаларни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича асосий ижрочи ҳисобланади. Бугунги кунга қадар 52 та маъруза тақдим этилган.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Миллий марказ таркибида янги тузилма — Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-кутубхона маркази — “Инсон ҳуқуқлари уйи” ташкил этилди. Ушбу марказ олдига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотлар хронологиясини юритиш ҳамда тизимлашган илмий-ҳуқуқий манбаларни фуқаролар ва тадқиқотчилар учун кенг очиб бериш вазифаси қўйилган.

Учинчи муҳим натижа — қонунчиликни такомиллаштириш. Миллий марказ 1996-2025 йиллар мобайнида 300 дан ортиқ қонун лойиҳасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқлигини экспертиза қилди. Қонунчиликни халқаро шартномалар билан такомиллаштириш бўйича 400 га яқин таклиф бериб, 60 та қонун ҳужжатининг қабул қилинишида ташаббус кўрсатди. Давлат органлари сўровлари бўйича мингдан ортиқ таҳлилий материал ва маълумотнома тайёрлади.

Миллий марказ томонидан бевосита ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Жумладан, 2023-2024 йилларда омбудсман, болалар омбудсмани, зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими ва Тадбиркорлик кодекси каби муҳим қонунлар қабул қилинишида иштирок этди.

Тўртинчи муҳим натижа — халқаро мавқенинг юксалиши. Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта 2024-2025 йилларда БМТнинг ЭКОСОС, Инсон ҳуқуқлари қўмитаси ва ХМТ Маъмурий кенгаши каби нуфузли тузилмаларга сайланди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, Миллий марказ ва мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик натижаларининг амалий кўрсаткичи бўлди.

Хусусан, 2021 йилда Ўзбекистон тарихида биринчи марта БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигига сайланди, Президентимиз ушбу кенгашнинг 46-сессиясида аёллар ролини ошириш, ёшлар ҳуқуқлари конвенцияси, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм каби бир қатор ташаббусларни илгари сурди.

Халқаро майдонда Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзоси сифатида фаол иштирок этди. Буни 2023 йил 13-15 март кунлари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк мамлакатимизга расмий ташриф буюриб, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги ютуқларни юқори баҳолагани ҳам яққол тасдиқлайди.

Ўз навбатида, 2024 йилга келиб халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи кескин ошди: июнда тарихда биринчи марта БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) аъзолигига 185 давлат овози билан сайланди. 7 июнда Женевада Халқаро меҳнат конференциясининг 112-сессиясида Ўзбекистон Европа ҳудудидан энг кўп овоз тўплаб, ХМТ Маъмурий кенгаши аъзолигига, 29 майда эса Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 40-сессиясида Ўзбекистон вакили биринчи марта БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзолигига сайланди.

Бешинчи муҳим натижа — аҳоли ҳуқуқий маданиятининг юксалиши. Ўтган даврда Миллий марказ “Инсон ҳуқуқлари уйи”, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” ҳамда “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журналлари, шунингдек, давлат органлари ходимлари учун мунтазам малака ошириш дастурлари орқали жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшди.

Бу борада 3 та муҳим рақамга эътиборингизни қаратиш билан кифояланаман: 1996 йилдан 2026 йилнинг биринчи ярмигача, яъни 30 йил ичида Миллий марказ томонидан:

— халқаро даражадаги ва республика миқёсидаги 4 мингдан ортиқ конференция, семинар, давра суҳбати, мониторинг ташрифи, ўқув курси ва турли учрашув ўтказилган;

— 40 дан ортиқ ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик меморандуми имзоланиб, уларда белгиланган долзарб вазифалар изчиллик билан бажарилган;

— жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 37 минг 700 та мурожаат кўриб чиқилган.

— Янги Ўзбекистон шароитида Миллий марказ қай даражада янгиланди, қандай ташаббуслар ҳисобига қанақа натижаларга эришилди?

— Янги Ўзбекистон ислоҳотлари даврида Миллий марказнинг янгиланиши, даставвал, унинг институционал мақоми ва мустақиллиги янада оширилиши мисолида яққол намоён бўлди. Президентимизнинг 2018 йил 10 декабрдаги қарорига мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг мақоми тубдан юксалди.

Қарорда Миллий марказ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотларидан, шунингдек, мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга ошириши қатъий белгилаб қўйилди. Давлатимиз раҳбари Миллий марказ директори мақомини вазир даражасига тенглаштирди ва у бевосита Президент томонидан тайинланиши тартибини жорий этди.

Бугунги кунда Миллий марказ ҳар йили мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари ва халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши ҳолати тўғрисида бевосита Ўзбекистон Президентига ва Олий Мажлис палаталарига ахборот тақдим этиб бормоқда.

Президентимиз ўз чиқишларида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг мувофиқлаштирувчилик ролини доимий равишда қўллаб-қувватлаб келади. Айнан мамлакатимиз етакчи ташаббуси ва тегишли фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия доирасида Миллий марказ зиммасига қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва мониторинг тизимини такомиллаштириш каби стратегик вазифалар юклатилган бўлиб, улар муваффақиятли бажарилди.

Биргина мисол: давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Миллий марказ таркибида янги тузилма — Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-кутубхона маркази — “Инсон ҳуқуқлари уйи” ташкил этилди. Ушбу марказ олдига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотлар хронологиясини юритиш ҳамда тизимлашган илмий-ҳуқуқий манбаларни фуқаролар ва тадқиқотчилар учун кенг очиб бериш вазифаси қўйилган.

Эътибор беринг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумининг ташаббускори ҳам шахсан Президентимиздир. Айни шу муҳим ташаббус асосида янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг долзарб муаммоларга бағишланган Самарқанд форумини ўтказиш изчил, хайрли ва самарадор анъанага айлангани ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Жорий йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича бешинчи Самарқанд форуми ўтказилди. Анъанавий тарзда ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган ушбу халқаро анжуман қисқа вақт ичида инсон ҳуқуқларининг турли соҳаларига тааллуқли долзарб масалаларни муҳокама этиш ва самарадор ечимлар топиш борасида дунё миқёсида кам учрайдиган ноёб, қулай ва ўзига хос мулоқот майдонига айланди.

— Бешинчи Самарқанд форумининг юбилей мажлисида ҳам Миллий марказ фаолияти ҳақида сўз юритилди, шундай эмасми?

— Форумнинг юбилей мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 30 йиллигига бағишланди. Иштирокчилар “Халқаро мажбуриятлардан самарали амалга ошириш сари: инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий имплементация механизмларининг роли” мавзуси доирасида батафсил фикр алмашди.

Хусусан, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Мариа Телалиан ўз мурожаатида инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда халқаро мажбуриятларни амалиётга татбиқ этишда кучли ва мустақил миллий инсон ҳуқуқлари институтларининг ўрни муҳимлигини таъкидлади. Бунда жамиятнинг давлат ва инсон ҳуқуқлари институтларига ишончига алоҳида эътибор қаратди.

ЕХҲТ вакили, шунингдек, мустақил миллий инсон ҳуқуқлари институтлари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар билан уларнинг миллий даражадаги ижроси ўртасида, шунингдек, фуқаролар билан давлат институтлари ўртасида боғловчи бўғин вазифасини ўтай олишини қайд этди.

Миллий инсон ҳуқуқлари институтлари глобал альянси раиси, Марокаш Инсон ҳуқуқлари миллий кенгаши президенти Амина Буояч халқаро мажбуриятларни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасаларнинг муҳим ролини ҳамда уларнинг мустақиллиги, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ эгаларининг иштироки зарурлигини таъкидлади. У инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар самарадорлигини, аввало, инсонлар ҳаётидаги реал ўзгаришлар бўйича баҳолашни таклиф этди.

Туркия Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти президенти Васип Шаҳин мавжуд халқаро стандартларни самарали амалга ошириш ва уларни миллий ҳамда маҳаллий даражада инсон ҳуқуқларининг ҳақиқий кафолатларига айлантириш зарурлигини қайд этди. Камситишга қарши курашиш, қийноқларнинг олдини олиш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари мониторингини олиб боришда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасаларнинг ролига алоҳида эътибор қаратди.

Россия Федерациясида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Яна Лантратова инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими тажрибасини тақдим этар экан, инсон ҳуқуқларининг универсал хусусиятини халқлар тарихи ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда уйғунлаштириш зарурлигини таъкидлади. Болали оилалар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар ўртасида тажриба алмашиш муҳимлигини қайд этди.

Ўз навбатида, “UPR Info” халқаро ноҳукумат ташкилоти ижроия кенгаши раиси Жанни Магаззени Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг халқаро механизмлар тавсияларини бажаришга доир интеграциялашган ёндашувни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини эътироф этди.

Шундай қилиб, бешинчи Самарқанд форуми иштирокчилари қайд этганидек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўтган ўттиз йил мобайнида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни илгари суриш, Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тизимлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, тадқиқот ва институционал ривожланиш масалаларида етакчи ўрин тутиб келмоқда.

Миллий марказнинг ушбу юбилей санаси мисолида, форум иштирокчилари фикрича, миллий институтлар ҳамда ижро этиш, ҳисобот бериш ва мониторинг бўйича миллий механизмларнинг халқаро мажбуриятларни амалиётга самарали татбиқ этишдаги ўрни ва ролини баҳолаш учун кенг имконият туғилди.

— Конституциявий ислоҳотлар ва Миллий марказ фаолияти мавзусига ҳам тўхталсангиз.

— Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги фармони билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилиниши асносида Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича умумхалқ муҳокамаси бошланди. Миллий марказ лойиҳанинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро шартномаларга мувофиқлиги юзасидан расмий хулоса тақдим этди. Шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва ЕХҲТнинг таклифларини мувофиқлаштирди.

Ўзбекистон конституциявий тараққиётида 2023 йил 30 апрель бурилиш нуқтаси бўлди, бинобарин, айни шу санада ўтказилган умумхалқ референдумида янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинди. Конституция 65 фоиз янгиланиб, инсон ҳуқуқларига оид нормалар сони уч баравар кўпайди ва 50 дан ортиқ моддани ташкил этди.

Аёллар, болалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига конституциявий мақом берилди. Конституциямизда Миранда қоидалари, “Habeas corpus” ва “pro bono” (бепул юридик ёрдам) институтлари ўз аксини топди.

Бош қонунда “ўлим жазоси тақиқланади”, деган норма белгиланиб, у Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Иккинчи факультатив протоколига тўлиқ мувофиқлаштирилгани улкан аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тўғрисида алоҳида модда киритилди, натижада Ўзбекистон дунёда биринчилардан бўлиб бу институтларнинг мақомини конституциявий даражада мустаҳкамлади.

Айни вақтда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ижроси доирасида Миллий марказ томонидан “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у ўрнатилган тартибда муҳокамалардан ўтказилмоқда. Бу ҳужжат инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва илгари суриш соҳасидаги устувор мақсад ва вазифаларни ўрта ҳамда узоқ муддатли истиқболда белгилаб берувчи стратегик асос вазифасини ўтайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг бешинчи босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида республика миқёсида профилактика инспекторлари учун семинар-тренинглар ўтказилди. Ушбу тренинглар жорий йилнинг ўтган даврида барча вилоятларда “Инсон ҳуқуқлари: халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик” ўқув модули асосида ташкил этилиб, 5200 дан ортиқ тингловчини қамраб олди.

Мухтасар айтганда, кейинги ўн йилда янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсати бутун жаҳонда эътироф этилаётгани бежиз эмас. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **“Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ: қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият”.**

“Янги Ўзбекистон” мухбири Санжар ЭШМУРОДОВ суҳбатлашди.

Мулоҳаза

Билими, касбий маҳорати ва ижтимоий фаоллиги билан бир қаторда, хулқи, одоби, муомала маданияти ва одамларга муносабати инсон камолотининг муҳим мезонларидан. Зеро, қандай шахс эканини одамнинг нафақат айтган сўзлари, балки кундалик ҳаётдаги хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши, каттага ҳурмати, кичикка иззати, ота-онасига муносабати ва атрофдагилар билан муомаласи намоён этади.

ТАРБИЯ – УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Бу оила, таълим муассасаси, маҳалла ва кенг жамоатчилик иши

Холбой ИБРАИМОВ,
Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти директори, педагогика фанлари доктори, академик

Халқимизда “Қуш уясида кўргани қилади” деган чуқур маъноли мақол бор. Бола катталарнинг насиҳатидан кўра кўпроқ уларнинг хатти-ҳаракатини кузатади ва ўзлаштиради. Шу маънода, ота-онанинг шахсий намунаси фарзанд тарбиясидаги энг кучли воситалардан. Гўзал хулқ бир кунда шаклланмайди. У оила, мактаб, маҳалла, дўстлар, устозлар ва жамият таъсирида аста-секин қарор топади. Шунинг учун тарбия жараёнига фақат таълим муассасасининг вазифаси сифатида қараш тўғри эмас. Тарбия — бутун жамиятнинг маънавий масъулияти.

Юртимизда одоб-ахлоқ инсон камолотининг асосий белгиларидан бири сифатида азалдан қадрлаб келинган. Каттага салом бериш, кексаларни ҳурмат қилиш, кичикларга ғамхўрлик кўрсатиш, меҳмонни иззат-икром билан кутиб олиш, ота-онани эъзозлаш, қўни-қўшнилар билан аҳил яшаш каби фазилатлар авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий тарбия анъаналаридир.

Миллий тарбиянинг кучли жиҳати шундаки, у инсонни муайян қоидаларга бўйсундириш эмас, балки эзгуликни ички эҳтиёжга айлантиришга хизмат қилади. Яъни инсон яхшиликни жазодан қўрққани учун эмас, балки унинг тўғри ва инсоний фазилат эканини англагани учун қилиши керак.

Салом бериши, катталарга йўл очиши, кичикларга меҳрибон бўлиши, дастурхонда ўзини тута билиши каби хатти-ҳаракатлар аслида боланинг маънавий дунёси шаклланаётганидан далолат беради. Шу боис, тарбияда майда нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар бир одат кейинчалик шахснинг хулқ-атворига айланиши мумкин.

Гўзал хулқнинг биринчи мактаби

Халқимизда “Бир болага етти қўшни ота-она” деган мақол бор. Ушбу ҳикмат фарзанд тарбиясида жамоатчиликнинг ҳам масъулияти катта эканини англатади. Бола ўзини қандай тутишни, аввало, оилада ўрганади. Ота-онанинг бир-бирига муносабати, фарзанд билан мулоқоти, уйдаги муҳит, катталарнинг меҳнатга, илмга, одамларга муносабати бола онгида чуқур из қолдиради. Агар оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр устувор бўлса, фарзанд ҳам меҳрибонлик ва ҳурматни ўрганади. Агар ота-она ўз хатти-ҳаракати билан ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва масъулият намунасини кўрсатса, болада ушбу фазилатларнинг шаклланиши осонлашади. Аксинча, катталарнинг сўзи билан амали ўртасида тафовут бўлса, болада иккиланиш пайдо бўлади. Шунинг учун фарзандга “яхши бўл” деб айтишнинг ўзи етарли эмас. Аввало, катталарнинг ўзи яхши хулқ намунасини кўрсата олиши керак.

Педагогика фанида андрогогика атамаси мавжуд бўлиб, у катта ёшдаги инсоннинг касбий, маънавий, оилавий, ижтимоий, фуқаролик ва соғлом ҳаёт кўникмаларини ривожлантириш, кексаларнинг фаол, муносиб ва хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш, уларнинг авлодлар тарбиясидаги бой тажрибасини замонавий билимлар билан уйғунлаштиришга қаратилган илмий-амалий соҳа. Шу асосда кексалар билан ишлашда учта тамойил устувор бўлиши керак: қадр-қиммат — кекса инсон тажриба ва қадриятлар соҳиби. Фаоллик — кексаларнинг ижтимоий иштироки, кўнгиллилиги ва ижодий фаоллиги рағбатлантирилади. Авлодлар узвийлиги — кекса авлоднинг миллий тарбиядаги ўрни илмий-методик жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Шу маънода, андрогогика ва фаол кексалик бўйича миллий концепция қабул қилиш, бобо-бувиларнинг неваралар тарбиясидаги ролини замонавий методика билан қўллаб-қувватлаш, кекса ота-она ва вояга етган фарзандлар ўртасидаги мулоқот маданияти бўйича маҳалла дастурларини жорий қилиш, ҳудудларда фаол кексалик марказларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, назаримизда.

Ўзбек оилаларида ота-онага ҳурмат алоҳида қадрият сифатида шаклланган. Кексаларнинг дуосини олиш, ҳолидан хабарлашиш, хизматини қилиш, маслаҳатини тинглаш каби анъаналар ёш авлод маънавий тарбиясида муҳим ўрин тутади. Бироқ ҳурматни фақат ташқи ҳаракатлар билан чеклаб қўймаслик лозим. Ҳақиқий ҳурмат инсоннинг ички муносабатида ҳам намоён бўлади. Ота-онага эътиборли бўлиш, уларнинг меҳнатини қадрлаш, қарилик даврида ғамхўрлик қилиш фарзандликнинг муҳим кўринишларидир.

Бугунги тезкор ахборот асрида авлодлар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш янада муҳим. Телефон, интернет ва ижтимоий тармоқлар инсонлар ўртасидаги масофани қисқартирган бўлса-да, баъзан оила аъзоларининг бир-бири билан бевосита мулоқотига тўсқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун оилада жонли суҳбат, биргаликда вақт ўтказиш, фарзандларнинг фикрини тинглаш маданиятини шакллантириш зарур.

Таълим муассасаси болага билим бериш билан бирга шахсий фазилатларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Бу жараёнда устознинг шахсий намунаси беқиёс аҳамиятга эга. Мураббийнинг муомаласи, кийиниши, нутқи, адолатли муносабати, ўқувчига эътибори ва ҳатто оддий саломлашиши ҳам тарбиявий таъсирга эга. Ўқувчи устозидан нафақат фанни, балки ҳаёт сабоқларини ҳам ўрганади. Шу маънода, ҳақиқий педагог фақат билим берувчи мутахассис эмас, балки шахс камолотининг йўл кўрсатувчисидир.

Устознинг бир оғиз яхши сўзи ўқувчи қалбида йиллар давомида сақланиши мумкин. Шунингдек, эътиборсиз айтилган сўз ҳам боланинг руҳиятига таъсир қилиши эҳтимоли юқори. Демак, педагогик фаолиятда ҳар бир сўз, ҳар бир муносабат ва ҳар бир ҳаракат масъулият билан танланиши лозим.

Ўзбек жамиятида маҳалла азалдан нафақат ҳудудий бирлик, балки ўзига хос тарбия мактаби вазифасини ҳам бажариб келган. Қўни-қўшнилар ўртасидаги муносабат, ҳашарлар, тўй ва маросимлардаги ҳамжиҳатлик, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш каби анъаналар ёшларда жамоавийлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантиради.

“Қўшнинг тинч — сен тинч” деган ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган. Инсоннинг маънавий хотиржамлиги кўп жиҳатдан уни ўраб турган ижтимоий муҳитга боғлиқ. Дунёда шундай мамлакатлар борки, ён қўшнилар бир-бирини танимаслиги, саломлашмаслиги, яхши-ёмон кунида кўмаклашмаслиги мумкин. Бу ҳолат жамиятда ижтимоий муносабатларнинг сусайишига олиб келади. Миллий муҳитда эса қўшнининг ҳолидан хабар олиш, бемор бўлса, зиёрат қилиш, хурсандлигига шерик бўлиш, қийинчиликка учраса, кўмаклашиш каби қадриятлар мавжуд. Ана шу анъаналарни ёш авлодга етказиш тарбиянинг муҳим вазифаларидан.

Бугунги ёшлар катта ахборот оқими муҳитида вояга етмоқда. Интернет, ижтимоий тармоқлар, рақамли технологиялар ва турли маданий таъсирлар ёшларнинг дунёқарашига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда тарбиянинг вазифаси ёшларни ахборотдан бутунлай ажратиш эмас, балки уларда ахборотни танлаш, баҳолаш ва ундан тўғри фойдаланиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Ёшларнинг интернетда нимани кўраётгани, кимни ўзига намуна деб билаётгани, қандай мулоқот қилаётгани ва ўз фикрини қай тарзда ифода этаётганига эътибор бериш муҳим. Рақамли мулоқотда ҳам гўзал хулқ меъёрлари сақланиши лозим. Бошқаларни ҳақорат қилмаслик, асоссиз айбловлар ёзмаслик, шахсий маълумотларни эҳтиёт қилиш, ўзга фикрга ҳурмат билан муносабатда бўлиш — бугунги даврда тарбиянинг янги кўринишлари.

Фазилатлар бир-биридан алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда шахс маънавий қиёфасини шакллантиради. Тарбияда энг кучли воситалардан бири шахсий намунадир. Бола катталарнинг айтганидан кўра, қилган ишига кўпроқ ишонади. Шунинг учун ота-она, устоз ва жамоатчилик вакиллари ёшлар учун ўз хатти-ҳаракатлари билан намуна бўлиши зарур. Китоб ўқишни тарғиб қилаётган ота-онанинг ўзи китоб мутолаа қилса, меҳнатсеварлик ҳақида гапираётган устознинг ўзи меҳнатга масъулият билан ёндашса, ҳалолликни тарғиб қилувчи инсон ўз ҳаётида ҳалоллик тамойилига амал қилса, тарбия таъсирчан бўлади. Бу жиҳатдан тарбияни гапириш эмас, балки кўрсатиш самаралироқдир.

Инсоннинг ҳақиқий бойлиги мол-мулки ёки мансаби билан эмас, аввало, гўзал хулқи, эзгу ишлари ва одамлар орасида қолдирган яхши номи билан белгиланади. Тарбия эса ана шу фазилатларни шакллантиришга хизмат қиладиган узлуксиз жараён. Оила — унинг биринчи маскани, мактаб — тизимли давоми, маҳалла — ижтимоий муҳити, устоз эса маънавий йўлбошчисидир. Гўзал хулқни тарбиялаш ота-она, устоз, маҳалла ва бутун жамиятнинг муштарак масъулиятидир. Бугун биз ёш авлодга қандай хулқ, қадрият ва муносабатни сингдирсак, эртага жамиятимизда шундай инсонлар камол топади. Демак, тарбияга қаратилган эътибор келажакка йўналтирилган энг муҳим сармоя.

Акс садо

ТОҒЛАР ЁНИМИЗГА КЕЛА ОЛСАЙДИ...

Бобораҳим Машрабнинг ўтли, юрак-бағри ўртаниб битган сатрлари неча ёшимдан хотирамга ёзила бошлаганини билмайман. Дадам араб имлосида битилган катта, чиройли китобни ўқирди, биз эса ҳар куни оқшомда уни эшитиб тўймасдик. Халқ орасида “Шоҳ Машраб” номи билан машҳур бўлган бу шоир ғазалларидаги “риёзат, малак, зоҳир, анисим, мунисим, дилбанди жоним...” каби сўз ва иборалар маъносини тушунмасдим, аммо улар ўз-ўзидан дилимга ёзилаверарди, ичимда такрорлайверардим.

Муҳтарама УЛУҒОВА,
“Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси

...Ҳар оқшомда дадамнинг биқинида ўқиётган китобларига тикилиб ўтирардим. Неча кунлар давомида нафасини ҳам ичга ютиб, дадамнинг ўқишини тинглаб келган аммаларим, онам, опаларим ва бувичамнинг кўзларидан ёш оқа бошлади, уларнинг юзларига, кўзларига тўлган ғамнинг сабабини англамасдим. Дадамнинг-да овозлари ўзгарди ва тўрт қатор шеърни такрор-такрор ўқиди:

Аё чарх, эттинг ортиқ жаври бунёд,
Кўзум ёшлиг, дилимда қолди фарёд.
Ҳаётим лолазоридан аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг...

Ўшанда қулоғимга кириб, ёдимга ўрнашиб қолган бу сатрлар “Ўткан кунлар”даги Отабек қалбидан Кумушнинг қабртошига кўчган изтироб-аламларнинг сўзлардаги тўлқинлари экан.

Катта акамнинг Фузулий ғазалларини хиргойи қилишини эшитишни ҳам жуда яхши кўрардим:

Кўзи ёшларинг ҳолин
на билсин мардуми гофил,
Кавокиб сайрини шаб
то саҳар бедор ўландан сўр.

Бу сатрлар маъносини англашга ҳали жуда ёшлик қилар эдим, бироқ ойдин кечаларда осмонда жимирлаб, гўё сирли шивирлаб ўйларимни ёритган ва бойитган юлдузлар каби бу чиройли сўзлар ҳам бола қалбимни мафтун этганди.

Онамнинг синглимга, жиянларимга айтган аллаларидаги “андалиб”, “толи чавгоним”, “ойдин”, “чўлпоним”, “паришон”, “ўқитиб мулло қилай” каби сўзлар мунис оҳангга вобаста бўлиб, ажиб янграр эди, онажонимнинг овози шу сўзлардан янада сеҳрланиб кетгандек бўларди. Қалбимга сўз сеҳри, жилоси ва унга меҳру муҳаббат шу тариқа кириб келган бўлса керак.

Кейин мактабга бордим ва устозлар сабоқларидан, энг аввало, сўз олдидаги масъулиятни ҳис этдим.

Ёши улуғларнинг юқоридаги каби хотиралари айримлар учун гўё бугунги шиддаткор, глобаллашган даврнинг қадаму нафасларига ёпишмайдиган ҳолатдай туюлади: “Давра олиб китоб ўқиб ўтиришга, шеърхонликка, боласига айтиш учун алла ёдлашга кимнинг вақти бор?! Қайси асрда яшаяпти бу одам?”. Айни шу йўсиндаги фикрни тасдиқловчилар ҳам, бунга замин яратувчи омиллар ҳам атрофимизда оз эмас, бироқ...

Олимлар дунёда мавжуд 5000 га яқин тилнинг қарийб қирқ фоизи “ўлиб”, яна минглаб тиллар таназзулнинг турли босқичларига келиб қолганини эътироф этар экан, бунинг асосий сабабларини бундай изоҳлайди: аввало, бир тил бошқа бир тилнинг кучли босими остида йўқолиб боради — бу фикр тарихда ва ҳозирги кунда ҳам кўп бор ўз исботини топган. Яна бир жиддий сабаб шуки, тилнинг сақланиб қолиши унда қанча одам гаплашишига эмас, балки қандай гаплашишига боғлиқ. Чунки дунёда 200 нафар сўзловчиси билан “яшаб” келаётган ва аксинча, минглаб сўзловчиси бўлса-да, йўқолиш хавфи остида турган тиллар кўп.

Тил таназзулининг асосий сабаблари саналган юқоридаги икки ҳолатнинг биринчисини халқимиз қарийб бир аср давомида бошдан кечирди. XIX асрнинг тўртинчи чорагидан то XX асрнинг деярли охиригача миллатимиз гўё тараққиётга, маданий ҳаётга эришишнинг ва чуқур билимларга эга бўлишнинг воситаси сифатида ҳукмрон мустамлака тузум етакчилари тилида гапириш, ўқиш ҳамда ёзишга мажбурланди. Оқибатда саводхонлигимиздан тортиб, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маиший ҳаётимизгача бўлган барча соҳаларда она тилимиз қандай аҳволга тушиб қолди. Бу сиёсатга тобе бўлган, унинг йўриғига юрганларнинг фикрлаш ва яшаш тарзи ҳам ўзликдан узилиб, узоқлашиб кетди.

Мустақиллик она Ватанимиздаги Аллоҳ насиб этган барча бойликларимизни, қалбларимизни, ҳаётимизни озод этди, ботину зоҳиримизнинг ифодаси бўлган тилимизни қадрсизлик, хорлик ва камситиш орқали нуфузидан айириш учун очилган йўлларни тақа-тақ беркитди. Демак, она тилимизнинг яшаши, юртимизда ва дунё халқлари орасида ўз муносиб нуфузига эга бўлиши учун энг муҳим ижтимоий-сиёсий шароит таъминланди. Бироқ...

Айрим маърузалар, ҳисоботлар ва мулоқотларни тинглаганда, гапларнинг муайян қолипларга тушиб қолгани, сўзларнинг такрорию ибораларнинг бир-бирига қовушмаслигидан худди чанқоқдан тилинг қуригани каби қалбинг қақрайди. Нафақат шоиру ёзувчи ёки маданият ходими, балки элнинг эътиборида бўлган ҳар бир шахс тингловчиларда, ёшларда нутқ маданиятини тарбияловчи масъуллар қаторида эканини ҳис этармикан?

Беихтиёр улуғ алломалар ёдга тушади: бундан қарийб олти аср илгари ўша замон зиёлиларининг “турк тилининг қадрини билмасликлари”ни, “ҳар неча мулойимроқ ва латифроқ воқеъ” бўлади деб, фикрларини форсий лафз билан ифодалашдек “ғалатини кўрган ва бу нуқсонни англаган” Алишер Навоий ҳазратлари “турк алфозининг латофати ва маонийининг латофати зоҳирини” намоён этмоққа умрини тиккан эди.

Тарихимиздаги бундай улуғ зотлар маънавиятимиз тоғларидир. Улар давлат ва халқ тақдири билан боғлиқ ўз зиммаларидаги залворли, мураккаб вазифаларни бажариш, муаммоларга ечим топиш, элни катта мақсадлар сари бирлаштиришнинг йўли илму зако, илму законинг зоҳири ва калити эса тил эканини ҳар лаҳза ҳис этган. Тил дилларнинг тўлиқ таржимони бўлиши йўлида унинг қатра инжуси-да йўқолмаслиги, ўз ўрнида хизматга шай бўлиб ярақлаб туриши учун курашган.

Кейинги ўн йил ичида она ўзбек тилимизнинг мавқеини тиклаш, барча ташкилоту вазирликларда ҳужжатларни давлат тилида юритиш, турли луғатлар яратиш, ёзувимизни ислоҳ қилиш, ташкилот ва кўчалар номларини, шунингдек, ташқи реклама ҳамда ёзувларни тартибга солиш бўйича қатор фармону қарорлар қабул қилинди.

Лекин яқин-яқинларгача кимлар учундир фикрини бошқа тилда ифодалаш, ўзга тилдаги матбуот нашрларини ўқиш осон ва ёқимли бўлгани каби ҳозир ҳам хорижий тилда гаплашиш, ўқиш ва ёзишга тили осон келадиганлар тоифаси шаклланиб бораётгандек. Бу ҳолатни, айниқса, хорижий тилларни ўрганаётган ва ўрганган ёшларнинг мулоқотларини кузатганда яққол кўряпмиз. Бундан бир неча йил олдин кўчаларда учрайдиган ёзувларнинг имкон қадар ўз тилимизда бўлиши масаласига эътибор кучайган, айни мавзудаги ҳаётий-таҳлилий мақолалар, радио ва теледастурлар жонланган эди. Афсуски, бугун пойтахт ва марказий шаҳарларнинг ҳамон шундай кўчаю манзиллари борки, у ердаги ёзувлар ҳамда қўйилган тасвирлардан қаерда эканингизни англаш мушкул. Яна бир оғриқли масала: кейинги йилларда жамиятимиз китобхонлигини ошириш борасида ижодкорлар асарларини нашр этиш соҳасидаги изчил ишлар салмоғи бундан олдинги неча ўн йилликлар билан солиштириб бўлмайдиган даражада баланд ва ибратли. Аммо давлатимизнинг бу эътибори, ғамхўрлигини шошма-шошарлик билан “ғўр” ва ғализ, имловий ва мантиқий хатоликлари беҳисоб бўлган “асар”ларни чоп этиш ҳамда чоп эттиришга зое қилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Бир неча тилни билмоқ катта ва изчил меҳнат самараси, фазилат, дунё халқлари билан турли мақсадларда ҳамкорликка очилган йўлдир. Олиму уламо аждодларимиз ҳам бир неча тилни мукаммал билган, шу тилларда илмий, адабий асарлар ёзган. Улар орасида туркий тил миллатнинг асл ўзлиги сифатида барқарор бўлиши учун курашган, Алишер Навоий ҳазратлари турк назмида кўтарган байроқни асрлар синовларидан олиб ўтганлар жуда кўп. Улар бу жиҳатдан ҳам авлодларга ўрнакдир, аммо хорижий тилларни ўрганиш ва қўллаш зинҳор “келса-келмаса — ўн беш” қабилида она тилимизни чеклаш, камситиш ва уни ўрганмаслик ҳисобига бўлмаслиги керак.

Хива хони Абулғози Баҳодирхон “тарихларда битилган тоғларнинг ва сувларнинг, ерларнинг ва кишиларнинг отлари мўғул тили ва ё турк тили”да бўлса-да, “китоб айтган мусаннифлар, котиблар бу тилни билмасликлари боис” ва “бу вақтда турк ва тожикда фақирга (муаллифнинг шахсига турк тили борасида) берганча (илму лафз) берган киши бўлмаган”лигидан, ўзи тилнинг “расмини ва истилоҳларини яхши ўрганиб, “бу тарихни яхши ва ёмон — барчалари билсун” деб, туркий тил билан “Шажараи турк”ни “беш яшар ўғлон ҳам тушунадиган” қилиб ёзган эди.

Асрлар оша ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган бундай муборак битиклардан ойдин аждодларимизнинг тилга, сўзга бўлган муҳаббати, ихлоси, қайғуси ва жондошлигининг нафаси уфуради.

“Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар”. Бу қатъиятли эътирофда Абдулла Қодирийнинг туркий тил салтанати ҳимоясига тикилган юрагининг уришларини ҳис этасиз.

“Дунёнинг энг бой ва энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча. Минг йилдан бери эзила келмишдир, лекин битмамишдир. Битмас, яшамишдир — яшар. Негаким бойдир”. Абдурауф Фитратнинг бу хулосасини ҳам тарих тасдиқлаб турибди.

Ҳа, минг йилдан буён эзила келган бой тилимиз битмади, яшади, аммо бу жараён осон кечмади. Энди Аллоҳга беадад шукроналар бўлсин, ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби имон-эътиқодимиз ва тилимизга ҳам ҳеч қандай босим йўқ. Она тилимизнинг, аввало, Ватанимизда ва дунё ҳамжамиятида муносиб нуфузига эга бўлиши, унинг инжуларидан бир қатраси ҳам тўкилмай, хазинаси тўлиб, бойиб бориши фақат ўзимизга боғлиқ. Шундай пайтда... ҳаммани оғзига қаратиб турган машҳурнинг тили товушларнинг ўзбекона талаффузига қовушмаса... эл нигоҳидаги қай бир амалдор минбардан туриб сўкинса... қай бир ҳудудларда хорижий тилда ўқитиладиган мактаблар сони ўзбек тилидаги мактабларга нисбатан кўп бўлса... университетнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битиргани ҳақидаги дипломи бўлган ёш мутахассис Алишер Навоийнинг (мисол учун-да) “Муҳокамат ул-луғатайн” асари ҳақида бир фикр айтолмаса... қай бир ота-оналарга фарзандининг, аввало, қалбан ва руҳан миллатнинг қутлуғ анъаналари вориси бўлиши эмас, балки хорижий тилни ўрганиб, дунёга чиқиши муҳим бўлиб қолса... тирикчилик кўйида дунё моддиётларини уйимизга тинмай ташисаг-у, остонамиздан ичкарига китоб кирмаса, ўзимиз китоб ўқимасак, боламизга китоб тутмасак ва уни ўқитмасак... кун бўйи уйда, жамоат жойларида қувончлию синовли ҳолатларни бошимиздан кечириб, ўрни келганда “марҳамат”, “шундай қилсам майлими?”, “кечирасиз”, “агар рухсат берсангиз”, “имкониятингиз бўлса”, “жуда хурсанд қилдингиз” каби дил изҳорларини айтишга тилимиз келмай қолган бўлса, оқибати тилимизнинг мавқеи ва нуфузини тушириб борадиган бундай ҳолатлар учун ҳам фақат ўзимиз айбдормиз.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Темурийлар тарихи давлат музейи фақат ўтмишдан сўзловчи маскан эмас, балки келажакни лойиҳаловчи, ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантирувчи кучли маёқ вазифасини ҳам ўтаб келмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 17 октябрь, 215-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Нурли масканлар

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

ёш авлодни ватанпарварлик ва аждодларимизга эҳтиромга ўргатади

Инсоният тарихида Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичи пойдеворини қўйган улуғ сулолалардан бири, шубҳасиз, темурийлардир. Соҳибқирон Амир Темур асос солган давлат нафақат сиёсий қудрат, балки илм-фан, маданият ва шаҳарсозликнинг юксак чўққиси сифатида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан қайта-қайта эътироф этилади. Мамлакатимизда миллий қадриятлар ва тарихий адолатни тиклаш йўлидаги ҳаракатларда Темурийлар тарихи давлат музейи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Музей 1996 йил 18 октябрда ўз эшикларини биринчи марта ташриф буюрувчилар учун очган эди.

Давронбек ОЛИМЖОНОВ,
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Фаолиятининг дастлабки йилларида музей фондида 600 дан ортиқ экспонат сақланган бўлса, ўтган йиллар давомида олиб борилган изчил илмий-экспедицион ва йиғув ишлари натижасида бу кўрсаткич 7500 тадан зиёдга етди. Улар қаторига Амир Темур ва темурийлар давридаги қўлёзмалар, тангалар, сопол ва мис буюмлар, меъморий безак қопламалари, этнографик ва нумизматик материаллар, шунингдек, Мирзо Улуғбек расадхонасига оид астрономик асбоблар мажмуаси киради. Бу рақамлар музейнинг фақатгина сақлов маскани эмас, балки фаол илмий-тадқиқот марказига айланганидан далолат беради.

Президентимизнинг 2022 йил 27 майдаги “Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида айнан Темурийлар тарихи давлат музейи биносини жаҳоннинг машҳур музейларидаги энг илғор тажрибалар асосида реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва рақамлаштиришда бошқа муассасалар учун намуна сифатида белгилаб қўйилган эди.

Замон шиддат билан ривожланиб, ахборот технологиялари инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланаётган бугунги даврда музей фаолиятини замон руҳига мослаштириш зарурати янада ортди. Шу мақсадда Президентимиз 2026 йил 5 февралдаги қарори билан дунёдаги машҳур музейларнинг энг илғор тажрибалари асосида Темурийлар тарихи давлат музейи биносини реконструкция қилиш, жиҳозлаш, рақамлаштириш ва янги экспозиция яратиш вазифаси якуний босқичга кўтарилди.

Ушбу тарихий қарор музей ҳаётида бутунлай янги саҳифа очди. Асосий мақсад фақатгина бинони таъмирлаш эмас, балки миллий меросимизни замонавий, концептуал асосда рақамлаштириш эди.

Комилжон СУЛТОНОВ,
музей катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Қисқа фурсатда музей инфратузилмаси тўлиқ янгиланди, бино энг замонавий технологик қурилмалар ҳамда махсус иқлим назорати тизимлари билан жиҳозланди, экспозициялар эса хорижий тўпламлардан харид қилинган ноёб экспонатлар билан бойитилди.

Реконструкциядан сўнг музейга қадам қўйган ҳар бир ташриф буюрувчи ўзини XIV–XV асрлар муҳитига тушиб қолгандек ҳис этади. Музейнинг биринчи қаватида “Буюк Соҳибқирон — Иккинчи Ренессанс асосчиси” деб номланган янги бўлим ташкил этилган. Унда Амир Темур шахси фақатгина буюк саркарда эмас, илм-фан ва маданият ҳомийси, кучли марказлашган давлат асосчиси сифатида илмий асослар билан очиб берилган. Иккинчи қаватда эса сунъий интеллект ва “ақлли” технологиялар асосида Амир Темур даври ва темурийлар тарихига бағишланган интерактив экспозициялар жойлаштирилган.

Музей заллари рақамли технологияларнинг чинакам намойиш майдонига айланди. Кўргазма залларига ўрнатилган махсус аватарлар, юқори сифатли ЛЕД экранлар ва проекцион технологиялар ташриф буюрувчиларга тарихий воқеаларни визуал тарзда ҳис қилиш имконини беради. 3D форматдаги экспонатлар ҳамда динамик географик хариталар ёрдамида Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, салтанат чегаралари ҳамда Буюк ипак йўлининг ривожланиш траекториялари юксак аниқликда намойиш этилмоқда.

Музей экспозицияси замирида ётган асосий илмий ғоя темурийлар даврининг жаҳон тамаддунидаги ўрнини холис баҳолашдир. Тарихчиларнинг таъкидлашича, XIV аср охири — XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда юз берган илмий-маданий юксалиш Ғарбий Европадаги Уйғониш даврига нисбатан анча олдин бошланган. Бу давр ўзига хос қатор белгиларга — фан, санъат ва шаҳарсозликнинг уйғун ривожланишига эга эди.

Ўзбекистон тарихшунослигида Амир Темур ва темурийлар даври Иккинчи Ренессанс, яъни Марказий Осиёдаги илк Уйғониш даврининг мантиқий давоми ва юксак нуқтаси сифатида баҳоланади. Музейнинг илмий вазифаси эса ушбу тарихий даврни архив ҳужжатлари, моддий манбалар ва замонавий рақамли воситалар орқали холис, илмий асосда халққа, хусусан, ёш авлодга етказишдан иборатдир.

“Иккинчи Ренессанс” тушунчаси фақат миллий тарихшунослигимизгагина хос эмас. Халқаро, жумладан, Ғарб тарихшунослигида ҳам ушбу даврга нисбатан “Temurid Renaissance” (“Темурийлар Ренессанси”) атамаси кенг қўлланилади. Хорижлик тадқиқотчилар Шоҳруҳ Мирзо ва унинг завжаси Гавҳаршодбегим ҳукмронлик қилган Ҳирот шаҳрини ўзининг ижтимоий-маданий аҳамияти жиҳатидан итальян Ренессансининг маркази бўлган Флоренция шаҳрига қиёслайдилар. Кўплаб тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Марказий Осиёдаги ушбу илмий-маданий юксалиш Европадаги Уйғониш даврига нисбатан вақт нуқтаи назаридан аввалроқ бошланган ва ўхшаш белгиларга эга бўлган.

Бундай халқаро илмий эътироф Темурийлар тарихи давлат музейи фаолиятининг нафақат миллий, балки умумбашарий аҳамиятга эга бўлган илмий-маърифий йўналишини янада мустаҳкамлайди. Бу эса музей экспозицияларини нафақат ватандошларимиз, балки хорижлик тарихчилар ва сайёҳлар учун ҳам қимматли илмий манбага айлантириб, Ўзбекистоннинг жаҳон тарихий-маданий харитасидаги ўрнини янада ойдинлаштиради.

XX аср охирида шаклланган ва асосчиларидан бири сифатида инглиз олими Питер Верго тилга олинадиган “янги музеология” (New Museology) назарий йўналиши музейларни, аввало, ашё сақловчи муассасалар эмас, балки томошабин билан фаол мулоқотга киришувчи, таълим ва тарбия функциясини бажарувчи институтлар сифатида қабул қилиш зарурлигини илгари суради. Мутахассислар маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё музейларининг катта қисми (айрим баҳоларга кўра, 80 фоиздан ортиғи) ўз коллекцияларини рақамли форматга ўтказиш жараёнини бошлаб юборган.

Темурийлар тарихи давлат музейининг сунъий интеллект, аватар технологиялари ва интерактив 3D ечимлар асосида янгиланиши айнан мана шу глобал парадигма ўзгаришининг Ўзбекистондаги амалий ифодасидир. Бошқача айтганда, музей нафақат миллий даражада, балки замонавий жаҳон музейшунослиги андозалари нуқтаи назаридан ҳам рақобатбардош илмий-маърифий марказга айланиб бормоқда.

Музей тарихидаги энг унутилмас воқеалардан бири буюк аждодимиз Амир Темур таваллуд топган қутлуғ айём арафасида, яъни жорий йил апрель ойида Президентимизнинг ушбу масканга ташрифи бўлди. Давлатимиз раҳбари янгиланган экспозициялар, сунъий интеллектга асосланган интерактив лойиҳалар ва ноёб осори атиқалар билан танишди.

Бугунги кунда Темурийлар тарихи давлат музейи фақат ўтмишдан сўзловчи маскан эмас, балки келажакни лойиҳаловчи, ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантирувчи кучли маёқ вазифасини ҳам ўтаб келмоқда.

Тарихий билимларни рақамли воситалар орқали узатиш ёш авлодда шунчаки маълумот базасини эмас, балки эмоционал боғлиқлик ва фахр туйғусини ҳам шакллантиради. Аватар технологиялари ёрдамида “жонлантирилган” Соҳибқирон образи ҳамда 3D хариталар орқали кўз ўнгида гавдаланадиган Буюк ипак йўли — буларнинг барчасини ёш томошабин тарихни қуруқ саналар мажмуи эмас, балки яшаб турган, реал ҳис этиладиган воқелик сифатида қабул қилади.

МЕҲМОНДЎСТЛИК ҚАЛБ РИШТАЛАРИНИ БОҒЛАЙДИ

Биз — меҳмондўст халқмиз. Очиқ дастурхонли, очиқ чеҳрали одамларнинг дўсти кўп бўлгай. Бундай инсонларнинг ҳамкорлари, ўртоқлари, улфатлари ва ошнолари ҳам бисёрдир. Халқимиз орасида “Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан”, “Меҳмон ортидан қут-барака келади” ёки “Меҳмон — атойи Худо” каби ҳикмат ва мақоллар бор.

Қадриятларимиз

Узоқ кўришмаган, соғинган жигарларимизнинг уйимизга келиши байрамга ўхшайди. Бир вақтлар биз билан бирга ўқиган, бирга ишлаган, бирга ҳарбий хизматда ёки хизмат сафарларида бўлган дўстларнинг меҳмонга келиши ҳам чексиз қувонч бағишлайди. Уларни кўрганингда яна ўша ҳаёт ташвишлари ва қувончлари, улар билан бирга бошдан ўтказган кунларинг ёдингга тушади. Бошқатдан завқланасан, қийинчиликларни биргаликда енгган бўлсанг, қайтадан енгил тортасан. Уларнинг ёнида кўнглинг яйрайди, ўзингни қушдек қанотли сезасан. Улар билан бирга еган таомларинг тотли, бирга ичган бир пиёла чойинг шифобахш бўлиб танангни даволайди.

Меҳмон кетгандан кейин эса бир нарсангни йўқотгандек, борлиғинг ҳувиллаб қолгандек бўлади. Аммо уларни чақирганинг, меҳр кўрсатганинг ва дийдорига тўйганингдан завқланасан. Улар кўнглингга янада яқинлашади. Хурсандлигингдан тез орада яна кўришадигандек, ўз ҳаёт ташвишларингда хотиржам давом этасан. Аслида эса ундай эмас. Бу тезкор замонда тезда кўришишнинг иложи йўқ. Яна қачон кўришасан? Кўришармиканлар?

Яхшилар билан ҳар бир учрашув Аллоҳнинг сенга марҳаматидир. Агар Аллоҳ насиб этмаса, бир дақиқа ҳам биров дастурхонинг атрофида ўтирмайди. Агар Худонинг иродаси бўлмаса, чорлаб чақирсанг ҳам биров ҳузурингда пайдо бўлмайди.

Кейинги йилларда меҳмон кутиш ва меҳмондўстлик каби қадриятларимиздан йироқлашиб бораётгандекмиз. Бир-биримизни меҳмон қилиш баҳонасида кафе ёки ресторанларга чақиряпмиз. Бундай жамоат жойларида дастурхон минг хил ноз-неъмат билан безатилган бўлса-да, чин юракдан гаплаша олмайсан. Қандайдир қадрдон муҳит етишмайди. Сабаби, кафе ёки ресторан уйинг, ўз рўзғоринг эмас. У ерда болаларинг йўқ. Кўпинча бу учрашув бир неча хил овқатни бирга ейиш учун келингандек таассурот қолдиради. Атрофингда мутлақо бегона қиёфалар, бегона суҳбатлар. Давралар ташкил этиб тоғу қирларга бориш, дала ҳовлиларда ёки дарё ва денгизлар соҳилида ҳордиқ чиқариш (бу кўпроқ эркакларнинг дам олиш тарзига айланган), еб-ичиш ҳали ҳақиқий меҳмондўстлик эмас.

Тўғри, дилкаш давраларни ҳам ташкил этиб туриш керак. Бундай жойларда меҳнат жамоанг билан, манфаатли ҳамкорлар ёки бирор маслаҳатли ишинг бор одамлар билан учрашиш мумкин. Буни оилавий йиғин эмас, балки, назаримда, “сен меҳмон қилдинг” эмас, “сен таклиф қилдинг ва пулини тўладинг”, деб тушуниш керак. Баракалла, бу ҳам ҳаммага эмас. Бу ҳам борингни баҳам кўришдек гап. Аммо ўзбек меҳмондўстлиги бошқача.

Ҳақиқий меҳмон кутиш нуронийлар дуоси билан бошланадиган, бола-чақа даврасида, ўз қўлинг билан ясатилган дастурхон атрофида бўлади.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов “Дўст билан обод уйинг” шеърида бундай ёзади:

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам.
Дўст қадам қўймас эса
Вайронадир кошона ҳам.
Интизор ҳар уй диловар,
Дилкушолар базмига.
Гар оёқ қўйса қабоҳат,
Йиғлагай остона ҳам.

Шеър охирини устоз шоиримиз бундай якунлайди:

Дўсти содиқ йўқ экан, деб
Ўртаниб куйма ва лек.
Меҳр уйин кенг очсанг, Эркин,
Дўст бўлур бегона ҳам.

Ҳа, меҳр уйи — биз яшаётган уй. Меҳр уйи — бизнинг қалбимиз.

Меҳр уйини кенг очганимиз сари умримизга, касб-коримизга хайру барака кириб келаверади. Бир-биримизникига бормасак, дўсту қадрдонлар билан юз кўришмасак, қўни-қўшнининг ҳолидан бохабар бўлмасак, одамгарчилигимиз қаерда қолади?

Жигарлар билан сирлашмасак, вақтимизни, ҳаловатимизни қизғансак, бориб-бориб японларни ёки Европанинг айрим давлатларини эгаллаб бўлган ёлғизлик мусибатлари ҳаётимизга сездирмай кириб келади. Буни ҳозирги замон тили билан “комфорт ҳудуд” десалар, бизнинг ўзбекона, эскиларнинг тилида “яккапес”, “яккамохов” дегани бўлади.

Аждодларимиз жуда чиройли сўзлар билан бир-бирини сийлаган. Оғир дақиқаларда ҳам энг чиройли сўзларни ишлата олган. Аммо одамларни ёқтирмайдиганларга, меҳмонга бормайдиган ва меҳмон чақирмайдиганларга, қариндош-уруғни соғинмайдиганларга нисбатан “яккапес”, “яккамохов”, “одамови”, “одам иси ёқмас” каби сўзларни ишлатган. Токи инсон зоти кўпчиликнинг даврасида бўлсин. Кўпчилик билан топганини баҳам кўрсин. Кўпчилик бўлиб дуолар қилсин. Кўпчилик бўлиб эзгуликларни амалга оширсин. Бирлашсин.

Қадимда бир уйга кетма-кет меҳмон келаверганидан хонадон бекаси: “Бизникига бунча меҳмон кўп келади, мен чарчаб кетдим. Рўзғоримизнинг бадастирлиги меҳмон кўп келишидан эмас, тинмай меҳнат қилганимиздан”, дея нолий бошлабди.

Аёлининг хархашаларидан безор бўлган эркак бир донишманд авлиёнинг олдига бориб: “Аёлим уйимизга келган меҳмонларни тобора ёмон кўриб бормоқда. Бу кетишда қариндошларимдан ҳам ажралиб қоладиганга ўхшайман, маслаҳат беринг, ёрдам беринг”, дебди.

Шунда донишманд авлиё: “Аёлингга айт, бу сафар меҳмон келганда уни очиқ чеҳра билан кутиб олсин ва кетаётганида меҳмоннинг ортидан синчиклаб назар солсин”, дебди. Эркак аёлига бор гапни айтибди. Аёли келган меҳмонни меҳр билан кутиб олибди, меҳмон кетаётганида эса ортидан диққат билан разм солибди. Не кўз билан кўрсинки, меҳмоннинг ортидан бир гала илонлар, чаёнлар ва бошқа заҳарли жонзотлар судралиб чиқиб кетаётган экан.

Бу ҳолатдан ҳайратга тушган аёл эри билан донишманд авлиёнинг ёнига бориб, кўрганларини баён этибди. Шунда донишманд: “Меҳмоннинг ортидан сизларнинг уйингизга келган зиён-заҳмат, йўқчилик, очлик ва етишмовчиликлар, турли касаллик ва мусибатлар илон, чаён, зараркунанда ҳашаротлар ҳамда заҳарли жонзотлар шаклида тарк этади. Ҳар сафар меҳмоннинг ортидан бало-қазо шундай сездирмай кетади. Сизлар эса буни кўрмасдингизлар. Аслида, меҳмон келмай қолишидан қўрқиш керак”, дебди.

Меҳмонлар келганда ҳам: “Биз келдик, бало келмасин!”, “Шу хонадондан хайру барака аримасин”, дея дуолар қилади.

Мақоламиз бошида “Меҳмон — атойи Худо” ҳикматини ишлатдик. Зеро, бу гапни биз ўйлаб топганимиз йўқ.

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси

“Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан” деган гапни ҳам бирор шоир ёки донишманд дилига Аллоҳ солмаса, айта олмайди.

Ўзбек меҳмондўстлигида узоқлашган ришталар қайта уланади, қалинлашади. Қон-қардошлик тушунчалари ёш авлод қалбига сингдирилади. Болалар бир-бирини танийди. Бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган бўлади. Бир-бирининг олдида масъулияти борлигини тушуна боради. Зеро,

Дўстлар тарқаган ерга
душман келар, ёронлар,
Шукр тарк этган тилга
шайтон келар, ёронлар.
Кўнгли очиққа омад,
дастурхони очиққа,
Қуту барака олиб
меҳмон келар, ёронлар.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Боборавшан Ғозиддинов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
ЎзА якуни — 02:10 Топширилди — 04:25